VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

# MILLIY TIKLANISH

12 (125) ● 2011 йил 30 март, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

www. milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Эл-юртга содиқлик онти

Сўзга чиққанлар миллий армиямиз ёшларимиз учун ҳақиқий мардлик, матонат ва ҳаёт мактабига айланганини таъкидлаб, аскарларни халқимизга, Президентимизга садоқат билан хизмат қилишга, содиқ, ҳалол, жасур ва сергак аскар бўлишга чақирди.



"Bazar-Art — 2011": Баҳор"

Айтиш жоизки, мазкур кўргазма-ярмарка анъанавий ва замонавий амалий санъат соҳасидаги ижодий салоҳиятни юзага чиқариш, соҳадаги ўзгариш ва янгиликлардан кенг жамоатчиликни таништириш, ижодкор сулола ва қўлигул ҳунармандларни қўллаб-қувватлашга қаратилган.



Келажакка йўналтирилган сармоя

Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ишлар самарасида 2010 йилда касб-ҳунар коллежларини битирган 400 мингдан ортиқ ўғил-қизнинг 320 минг нафардан кўпроғи ишга жойлашди.



4 ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

5 МАЪНАВИЯТ

6 ЖАРАЁН

ТАРИХ ВА ТАҲЛИЛ






ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

## КЕЛАЖАККА ЙЎНАЛТИРИЛГАН САРМОЯ

***Бугунги ёшлар Ватанимиз келажаги, эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучидир. Истиқлолнинг дастлабки йилларидан ҳар томонлама билимли, юқори малака ва касб-ҳунарга эга ёшларни тарбиялашга қаратилаётган улкан эътибор ана шундай эзгу мақсадларни амалга оширишга хизмат қилмоқда.***

Президентимиз Ислом Каримов 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида ҳар бир коллеж битирувчисининг иш жойини олдиндан белгилаш, ўқувчиларнинг амалиётни бўлғуси иш жойида ўташини ташкил этиш борасидаги муҳим вазифаларни белгилаб берди. Бунда "корхона – коллеж" ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, коллеж ўқувчиларини аниқ бир иш жойига бириктириш заруратлигини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимизда шаклланган узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўғини – ўрта махсус таълим тизимини изчил ривожлантириш мақсадида юртимизда юзлаб лицей ва коллежлар қурилиб, замон талаблари асосида жиҳозланди.

6-бет

## БУЮК ТИКЛАНИШ ЙЎЛИ

### БАРЧА СОҲАЛАР ЮКСАЛИШИ – МАЪНАВИЯТДАН

ИККИНЧИ МАҚОЛА

Ислоҳотлар аввалида мамлакатимизда нафақат моддий фаровонликка, айни пайтда маънавий юксалишга эришиш шарт деб белгиланиши жамият ҳаётида сув билан ҳаводек зарур бўлган барқарорликни таъминламоқда. Чунки "бозор иқтисодиётининг ўзи ҳамма нарсани жой-жойига қўяди", деб нуқул моддий бойлик ортидан қувиш халқимизнинг характерига ҳам, инсонпарварлик билан йўғрилган миллий ғоямизга ҳам тўғри келмас эди. Шу боис ислоҳотларни амалга оширишда маънавият ва иқтисодиёт бир-бирини инкор этмайди, аксинча, бир-бирини қувватлаб, ўзаро таъсирланиб, ривожланиб боради, деган қатъий қоида дастуруламалга айланди. Яратилаётган "Ўзбек мўъжизаси"га куч, миллий жозиба бахш этди.

Дунёнинг энг халқпарвар кишилари миллийлик, маънавиятни асраш ҳақида қайғуриб келишган. Шу ўринда атоқли инглиз олими Жон Леббокнинг «Миллатнинг ҳақиқий шарафи ҳудудининг бепоёнлигида ҳам, ерининг унумдорлигида ҳам, табиатнинг гўзаллигида ҳам эмас, балки халқнинг ғоявий ва ахлоқий баркамоллигига боғлиқ», деган сўзлари ёдга тушади. Ана шундай маърифатпарварлардан бири В.Белинский: «Миллийликсиз инсоният мантиқий мавҳумликка, мазмуни йўқ сўзга, маъноси йўқ товушга айланиб қолади», деган эди.

5-бет

ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНҚИД

## НАТИЖА ВА КАМЧИЛИКЛАР

### ЎзМТДП ҲУДУДИЙ ТАШКИЛОТЛАРИ ПЛЕНУМЛАРИДА ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

***ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги пленумлари бўлиб ўтди. Йиғилишларда 2010 йил якунлари ва 2011 йилда амалга оширилиши лозим бўлган долзарб вазифалар танқидий таҳлил қилинди. Пленумлар ишида партия МК Ижроия Қўмитаси аъзолари ва девони ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва ОАВ вакиллари иштирок этди.***

Пленумларда Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" номли маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ижросига кенг тўхталинди. ЎзМТДП Самарқанд, Андижон ва Қашқадарё вилоят Кенгашлари пленумларида партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Ахтам Турсунов иштирок этди.

– Истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари ташаббуси ва раҳнамолигида юртимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, халқ турмуш даражасини юксалтириш йўлида ибрат ва эътиборга сазовор ютуқлар қўлга киритилди,- деди нотиқ.

3-бет

## РОҒУН ЛОЙИҲАСИ – ЎРТА ОСИЁ УЧУН ЦУНАМИДАН ҲАМ ХАВФЛИРОҚ

***Японияда рўй берган кучли зилзила ва шиддат билан босган цунами табиатнинг бошқариб бўлмайдиган фалокатлари одамлар ҳаёти учун қандай даҳшатли оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлигини яна бир бор исботлади. Бугунги кундаги глобал иқлим ўзгариши шароитида даҳшатли табиий офатларнинг тез-тез такрорланиши одатий ҳолга айланмоқда. Ушбу офатлар инсон ҳаёти ва фаолияти натижалари билан биргаликда илгари мисли кўрилмаган кўламдаги техноген фалокатларни келтириб чиқармоқда. Бунга Япония атом электр станциясида рўй берган фалокат яққол мисол бўла олади.***

Японияда содир бўлган ушбу фалокат бутун дунёда катта ташвиш уйғотмоқда. Кўплаб давлатлар ҳукуматларини шундай ҳалокатларнинг олдини олиш бўйича зарур чора-тадбирларни кўришга, ҳаттоки, зилзила юз бериш эҳтимоли назарий жиҳатдан ҳам деярли мумкин бўлмаган Германияда бўлгани каби, атом электр станциялари фаолиятини тўхтатишга мажбур қилмоқда. Мантиқан олиб қараганда, бундай чора-тадбирлардан кўзланган мақсад тушунарли, албатта. Бинобарин, дунёда бинолар ва иншоотларнинг зилзилага бардошлигига нисбатан талаблар ғоят қатъий бўлган ва сейсмик фаол зонада энг илғор қурилиш технологиялари асосида иш олиб бориладиган Япониядек давлатдаги шундай фалокатларнинг содир бўлиши эҳтимолдан холи эмас экан, бошқа ҳеч бир мамлакат ўзини бундай офатлардан ҳимояланган, деб ҳисоблай олмайди.

Шу муносабат билан Тожикистон раҳбариятининг мамлакат аҳолиси онгига бир неча йиллардан буён муттасил қуйиб келинаётган Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳаси ҳақидаги баландпарвоз гаплари ёдга тушади. Ҳолбуки, бу ўринда гап тектоник емирилувчи ва йирик туз қатламлари мавжуд жойда дунёдаги энг баланд тўғонли Роғун ГЭСи қурилиши ҳақида бормоқда. Ачинарли жиҳати шундаки, гўёки, бу лойиҳа мазкур мамлакатда яшаётган одамларнинг тақдирини тубдан ўзгартириб юборади. Хайриятки, ушбу таги пуч ғоянинг асл моҳияти ва аянчли оқибатларини англаб етаётган соғлом фикрли олимлар ҳам йўқ эмас.

Роғун ГЭСи қурилиши ҳақидаги хомхаёл билан юрган Тожикистон раҳбарияти кўп йиллар давомида бутун дунё жамоатчилигини Тожикистонда ҳалокатли зилзилалар хавфи деярли йўқлигига ишонтиришга уриниб келаётганини эслатишга ҳожат бўлмаса керак. Хусусан, Тожикистон Бош вазири А.Оқилов ўтган йили Роғун ГЭСи қурилиши хавфи хусусида Ўзбекистоннинг сўровига юборган жавобида Роғун ГЭСи қуриладиган зонада 6 баллдан кучли зилзила бўлиши мумкин эмас, деб таъкидлаган.

Айни пайтда, Тожикистон Республикаси Фанлар академияси сейсмология институтининг фахрий директори, академик Собит Негматуллаев ИТАР-ТАСС мухбирига 2011 йил 15 мартда берган интервьюсида Японияда содир бўлган салкам 9 баллик зилзилага ўхшаш ер силкинишлари 1907 йилда Тожикистон ҳудудидаги Қоратоғда, 1911 йилда Помирда юз бергани ва Сарез кўлининг пайдо бўлишига олиб келганини, 1949 йилда Хаитда ҳам такрорланганини қайд этган. Ўша зилзилалар 100 мингдан зиёд одамнинг ҳаётига зомин бўлган. Академик С.Негматуллаев ушбу зилзилалар юзага келтирган жараёнларни таҳлил қилар экан, кейинги 10 йил мобайнида Помир-Ҳиндикуш тоғ тизмасида кучли ер силкиниши рўй бериши мумкинлигини башорат қилган.

Нуфузли олим томонидан келтирилган ушбу статистика Тожикистон Бош вазирининг таскин учун айтилган баёнотидан кўра ишончлироқ, албатта. Академик С.Негматуллаевнинг мазкур башоратлари сейсмология соҳасида жаҳон илмий жамоатчилиги томонидан эътироф этилган тадқиқот услубларига асослангани билан эътиборни тортади.

Тожикистон ҳукумати дунёдаги энг баланд тўғонни қуриш лойиҳасини қандай бўлмасин амалга ошириш мақсадида Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳаси билан боғлиқ техноген фалокатларнинг бўлажак хавфи ҳақида огоҳлантираётган кўплаб давлатларнинг олим ва мутахассисларининг ташвишли фикрларини эътиборсиз қолдирмоқда. Бу лойиҳа оқибатида юзага келадиган ўта жиддий хавфларни тожикистонлик олимларнинг хулосалари ҳам тасдиқлаб турибди. Айниқса, шуниси муҳимки, сейсмологлар Японияда содир бўлган зилзила ва Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳалаштирилаётган ҳудуднинг сейсмик фаоллиги ўртасида бевосита боғлиқлик борлигига эътиборни қаратмоқда.

Агар бу ҳудудда Япониядаги каби кучли зилзила рўй берадиган бўлса, баландлиги 335 метрдан зиёд тўғонга чуқурлиги 300 метрдан юқори бўлган сувнинг кучли ва катта босими тушади. Оқибатда тўғон унга дош беролмай, пойдевори силжийди ва ўпирилиш юз беради. Бу эса даҳшатли цунамини келтириб чиқариши мумкин.

Баландлиги 10 метр келадиган цунами Японияда қандай вайронагарчиликларга сабаб бўлганини барчамиз кўрдик. Зеро, оқибатини ўйламасдан қурилаётган Роғун ГЭСи тўғони лойиҳаси амалга ошса ва у ўпирилиб кетадиган бўлса, Вахш дарёси оқими бўйлаб пастга шиддат билан ёпириладиган сувнинг баландлиги ер сатҳидан камида 100 метрни ташкил қилади, вайронагарчиликлар келтириши борасида Япониядаги цунамидан бир неча баравар ошиб тушади.

Тўғоннинг ўпирилиши Ўрта Осиё мамлакатлари учун, авваламбор, Тожикистоннинг ўзи учун мисли кўрилмаган фалокатлар олиб келади. Мутахассисларнинг фикрича, воқеалар шу зайлда ривожланадиган бўлса, катта миқдордаги сув пастга секундига 130 метр ёки соатига 468 километр тезликда Нурек ГЭСи томон ёпирилади. Нурек ГЭСи тўғони бутунлай вайрон бўлиб, Нурек шаҳри баландлиги 280 метр ва тезлиги секундига 86 метр бўлган сув босими остида қолади. Вахш каскадининг бошқа ГЭС ва гидроузеллари ҳам шу каби бутунлай вайронага айланади, Сарбон, Қўрғонтепа ва Румий шаҳарларини бутунлай сув босади. Сув тошқини зарбига биринчи бўлиб ушбу шаҳарлар дуч келади ва у Тожикистон, Ўзбекистон ва Туркманистоннинг бошқа ўнлаб шаҳарлари ҳамда аҳоли пунктларини ҳам босиб кетади.

Шу боис Японияда рўй берган зилзила ва унинг фожиали оқибатлари, шунингдек, тожикистонлик сейсмологларнинг холис фикрлари мисли кўрилмаган баландликда ушбу улкан гидроузел тўғонини лойиҳалаштириш ва қуришдек таги пуч ғояни амалга оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Тожикистон раҳбариятининг кўзини очади, деб умид қиламиз.

**С.ЖИГАРЁВ,**
**«Гидролойиҳа» МЧЖ директори**



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



# ФРАКЦИЯ

**МУНОСАБАТ**

## ВАКОЛАТ

### МАСЪУЛИЯТНИ ОШИРАДИ

*Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ўтган қисқа даврда ўз олдига қўйган узоқ муддатли стратегик мақсадлар, яъни иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш, турмуш-тарзимизни янада яхшилаш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш, бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида қатор ишлар амалга оширилди.*

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, "ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Шу боис авваламбор рўй бериши мумкин бўлган турли фалокатлар, жаҳон иқтисодиётининг юксалиши ва инқирозини олдиндан кўриш имконини берадиган, ҳар томонлама чуқур ўйланган, аниқ мақсад ва устувор йўналишларни ўз ичига олган тараққиёт дастури ва уни амалга ошириш стратегиясига эга бўлган мамлакат ва халқ пировард натижада муваффақиятга эришади". Шу нуқтаи назардан давлатимиз раҳбари тақдим этган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" давлат ва жамият ҳаётини янада демократлаштириш соҳасида назарий ҳамда амалий аҳамиятга эга бўлган дастурий ҳужжатдир.

Концепцияда илгари сурилган қонунчилик ташаббусларининг ҳаётга татбиқ этилаётгани давлат бошқарувини демократлаштириш ва мамлакатни модернизациялаш жараёнини сифат жиҳатдан янгилашга хизмат қилиши шубҳасиз. Жумладан, яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва Сенатда маъқулланган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)"ги Қонун энг аввало, давлат ҳокимияти ва бошқарувни демократлаштиришда, сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги ролини янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларини жадаллаштиришга хизмат қилади.

Ушбу ҳужжатга мувофиқ Бош вазир номзодининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бўлиб ўтадиган сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилиши, сиёсий партиялар ваколатларини кенгайтирмоқда. Бундан ташқари парламентнинг жамият ва давлат ҳаётидаги ролини ошириш, шунингдек, унинг ижро этувчи ҳокимият устидан назоратни кучайтириш, сиёсий партияларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда янада самарали иштирок этишига туртки бўлади. Мазкур жараёнда яъни, давлат бошқарувини демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда бошқа партиялар қатори ЎзМТДП ҳам масъулиятини янада оширади.

Эндиликда Қонунчилик палатасида энг кўп депутатлик ўрнини эгаллаган сиёсий партияларга ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан Бош вазир номзодини таклиф этиш ҳуқуқи берилаётган экан, бунинг учун ташаббускор, масъулиятни чуқур ҳис этадиган, эл-юрт манфаатларини ўз манфаатидан устун қўядиган кадрларни сафимизга жалб қилган ҳолда навбатдаги сайловларда ютиб чиқишимиз талаб этилади. Бундан ташқари Қонунчилик палатасидаги фракциямиз аъзолари ҳам яратилаётган имкониятдан унумли фойдаланиб, электоратимиз манфаатларини бевосита парламентда туриб ҳимоя қилиши, уларни ўйлантираётган масалалар юзасидан қонунчилик ташаббусларини илгари суришлари лозим. Шунингдек, мазкур ўзгаришлар сиёсий партияларга ўз ижтимоий қатлами манфаатларини янада самарали ҳимоя қилиш ва ифода этиш имконини бермоқда. Биз бу имкониятдан тўла-тўкис фойдаланишимиз учун фаолиятимизни тубдан кучайтиришимиз даркор.



**Алишер ЖУМАЕВ,**
**ЎзМТДП фракцияси аъзоси**

**ДЕПУТАТ МИНБАРИ**

*Мамлакатимизда вояга етмаганлар ва ёшлар тарбияси, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, маънавиятини юксалтириш борасида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда аҳолининг аксарият қисмини ташкил этадиган вояга етмаган шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш борасида юртимизда ҳуқуқий базанинг яратилгани, самарали ижтимоий ҳимоя тизимининг жорий этилгани, замон талабларига хос таълим муассасаларининг барпо этилаётганлиги, бир сўз билан айтганда, вояга етмаганлар ҳамда ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирларнинг амалга оширилаётгани бу борадаги ишлар кўлами қай даражада эканлигини яққол кўрсатиб турибди.*



**Саймуддин ЁРМАТОВ,**
**ЎзМТДП фракцияси аъзоси**

## ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР

### ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Мазкур ислоҳотлар ўтган «Соғлом авлод йили», «Она ва бола йили», «Сиҳат-саломатлик йили», «Ёшлар йили», «Баркамол авлод йили»да ишлаб чиқилган Давлат дастурлари асосида янада ривожланиб, қонуний жиҳатдан мустаҳкамланди. Хусусан, ўтган йиллар мобайнида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Оила кодекси, «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб вояга етишиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан имкон ҳозирлади.

Ўсмир ёшдаги болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, турли ёт ғоялардан асраш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш каби масалалар ҳам бир қатор қонун ҳужжатларимизда ўз аксини топган.

Бу борадаги чора-тадбирларнинг мантиқий давоми сифатида 2010 йилнинг 29 сентябрида «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кучга кирганини эътироф этиш жоиз.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури асосида ишлаб чиқилиб, қабул қилинган 6 боб, 36 моддадан иборат мазкур қонун вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлигига, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайри ижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга йўналтирилган.

Мазкур қонуннинг ҳар бир боб ва моддалари болаларни ҳимоя қилишнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш билан бирга вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни амалга оширувчи органлар ва муассасалар, ота-оналар, васийлик ва ҳомийлик органларининг ёш авлод тарбиясидаги масъулиятини янада оширишга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга.

Аввало шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳар бир вояга етмаган бола тарбиясига, туриш-турмушига биринчи навбатда ота-она масъул. Зеро, ёш авлоднинг келажакда етук инсон сифатида камол топишида оиланинг ўрни катта. Шу нуқтаи назардан қонуннинг 7-моддасида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг иштирокига алоҳида эътибор қаратилган.

Мамлакатимизда вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминловчи ҳуқуқий асослар билан бир қаторда уларнинг амалга оширилишини таъминловчи мутасадди орган ва муассасаларнинг тизимли фаолиятини яратишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

«Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонуннинг 2-бобида ҳам мазкур фаолиятни амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар ва уларнинг ваколатлари хусусида сўз юритилган.

**Аввало шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳар бир вояга етмаган бола тарбиясига, туриш-турмушига биринчи навбатда ота-она масъул. Зеро, ёш авлоднинг келажакда етук инсон сифатида камол топишида оиланинг ўрни катта. Шу нуқтаи назардан қонуннинг 7-моддасида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг иштирокига алоҳида эътибор қаратилган.**

Ҳуқуқий ҳужжатнинг 8-моддасида бу ҳақда батафсил маълумот берилган бўлиб, унга кўра, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар тизимига вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, ички ишлар органлари, таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари, васийлик ва ҳомийлик органлари, соғликни сақлашни бошқариш органлари ва соғликни сақлаш муассасалари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари киритилди. Мазкур мутасадди ташкилотларнинг ваколатлари ҳамда амалга ошражак ишлари қонуннинг бир қатор моддаларида мукаммал келтириб ўтилган.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлашда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар муҳим ўрин тутади. Шу жумладан, ушбу қонуннинг 9-моддасида айтиб ўтилганидек, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ўз ваколатлари доирасида бир қанча вазифаларни амалга оширади. Жумладан, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга доир чора-тадбирларни, комплекс тадбирларни ишлаб чиқади ва уларнинг рўёбга чиқарилиши устидан назорат қилади.

Қонуннинг алоҳида нормаларида маданият ва спорт муассасалари, туризм, оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида иштирок этиши тартибга солинган. Хусусан, 18-моддага мувофиқ маданият ва спорт муассасалари, туризм соҳасидаги ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ўз ваколатлари доирасида мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади. Яъни, фаолияти вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган болалар ва ёшлар жамоат бирлашмалари, ижтимоий муассасалар, жамоат фондларига ҳамда бошқа ташкилотларга ёрдам кўрсатади. Шу билан бирга уларни ўқитишни, бандлиги ва дам олишини ташкил этиш, қонунга итоаткорлик хулқ-атворини ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда шакллантириш бўйича ҳам фаолиятни амалга оширади.

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда маҳалла, қишлоқ, шаҳар фуқаролар йиғинларининг ҳам ўз ўрни бор. Зотан, ҳар бир оиланинг турмуш даражаси, моддий ва маънавий аҳволи бевосита ўзини-ўзи бошқариш органларига яхши маълум бўлади. Шу нуқтаи назардан қонуннинг 19-моддасида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларга ҳам ўз ваколатлари доирасида бир қатор вазифалар белгилаб берилди. Вояга етмаганларнинг маънавий, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик, жисмоний, меҳнат тарбиясида иштирок этиш, уларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва оилаларга ёрдам кўрсатиш, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келганларнинг ижтимоий-педагогик реабилитация қилиниши ва мослашувига кўмаклашиш амалга ошрилажак ишлар сирасидандир.

**Маълумки, республикамиз қонунларига кўра, 18 ёшга тўлмаган шахслар вояга етмаган ҳисобланади. Бу ёшда бола тарбиясига жиддий эътибор қаратилиши лозим. Шу боис ҳам мамлакатимиз аҳолисининг аксарият қисмини ташкил этадиган вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга эътиборни жалб этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлантирилди.**

Маълумки, республикамиз қонунларига кўра, 18 ёшга тўлмаган шахслар вояга етмаган ҳисобланади. Бу ёшда бола тарбиясига жиддий эътибор қаратилиши лозим. Шу боис ҳам мамлакатимиз аҳолисининг аксарият қисмини ташкил этадиган вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга эътиборни жалб этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлантирилди. Бу борада «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

**ТАРҒИБОТ**

## ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

### КОНЦЕПЦИЯДА БЕЛГИЛАНГАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАРГА БАҒИШЛАНДИ





*Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясида "Мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги ислоҳотлар ва уларнинг мазмун-моҳияти" мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур анжуман Президент Ислом Каримовнинг Парламент палаталарининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида сўзлаган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" номли маърузасида белгилаб берилган устувор йўналишлардан келиб чиқадиган долзарб вазифаларга бағишланди. Унда депутатлар, ҳуқуқшунос ва экспертлар, ҳарбий прокуратура вакиллари, академия профессор-ўқитувчи ва тингловчилари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.*

Концепцияда мамлакатимизни янги тараққиёт босқичига олиб чиқиш юзасидан таклиф этилган ғояларнинг долзарб аҳамияти, ҳаётимизда тутган ўрни, туб мазмун-моҳияти ҳақида аҳолининг турли қатламлари орасида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фаолларининг устувор мақсадларидан биридир. Қолаверса, тинч ҳаёт ва осуда турмушимиз ҳимоячилари бўлган ҳарбийлар орасида ҳам бу каби тадбирларни ўтказиб бориш анъанага айланмоқда.

Анжуманда таъкидланганидек, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган мазкур Концепция чуқур таҳлилларга бойлиги, кенг қамровлилиги, юртимизда кечаётган жараёнларга бутунлай янгича қараш билан ёндашилгани ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини янада демократлаштириш борасида илғор ғояларнинг ўртага ташлангани билан ниҳоятда долзарб аҳамиятга эгадир. Дарҳақиқат, тақдим этилган Концепция мамлакатни демократлаштириш ва модернизация қилиш бўйича танлаган йўлимизда навбатдаги изчил қадам ҳисобланади. Унинг самарали амалга оширилиши Ўзбекистондаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда муҳим омил бўлади. Ушбу Концепцияни атрофлича ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, у "Ўзбек модели" деб ном олган ўз тараққиёт йўлимиз принциплари ва мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқлар ҳамда иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги юқори ўсиш суръатлари, уларнинг барқарорлиги ва ишончлилигига, муваффақиятли таркибий ўзгаришлар анъаналарининг мустаҳкам пойдеворига таянади.

Конференцияда "Президент Ислом Каримов томонидан "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да илгари сурилган қонунчилик ташаббусларининг мазмун-моҳияти ва уларни амалга оширишда парламент олдида турган устувор вазифалар", "Демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш – тараққиётимиз кафолати", "Ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари", "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида олиб борилаётган ислоҳотларнинг мақсад ва вазифалари" сингари қатор маърузалар тингланди. Шунингдек, иштирокчиларга жамият ҳаётининг барча жабҳаларини ислоҳ этиш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар ва келгусидаги саъй-ҳаракатлар хусусида атрофлича маълумот берилди.

Дарҳақиқат, мазкур Концепцияда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш каби устувор йўналишлар белгиланиб, уларни ҳаётга татбиқ этиш механизмлари аниқ ва равшан кўрсатиб берилгани диққатга сазовордир.

Тадбирда сўзга чиққанлар Юртбошимиз тақдим этган Концепцияда мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган қатор таклиф ва ғоялар мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, халқимизнинг фаровон келажагини таъминлаш, юртимизни тараққий этган илғор мамлакатлар қаторига олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидладилар.

Илмий-амалий конференция қизғин баҳс-мунозара, фикр-мулоҳаза ва савол-жавобларга бой тарзда ўтди.

**Камолиддин САИДҚУЛОВ,**
**«Milliy tiklanish» мухбири**

# ПАРТИЯ ҲАЁТИ

ПАРТИЯ ҲАРАКАТ ДАСТУРИ — АМАЛДА

## “ҚАЙТА ТИКЛАНГАН ҲУНАР”

### МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИК, АНЪАНА ВА ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИ ЎЗИДА АКС ЭТТИРГАН КЎРГАЗМАГА АНА ШУНДАЙ НОМ БЕРИЛДИ



***Шу кезларда Ўзбекистон Бадиий академиясига йўлингиз тушса қўлигул уста, ҳунарманд ва халқ амалий санъати намояндалари меҳнатининг натижаларига гувоҳ бўласиз. Бу юртимизда мустақиллик туфайли халқимизнинг бир неча минг йиллик бебаҳо миллий қадрият, анъаналарини қайта тиклаш ва ривожлантиришга қаратилаётган эътибор натижасидир. Ва яна таъкидлаш жоизки, республика миқёсида мунтазам равишда кўрик-танлов, ўқув-семинар ва кўргазмалар ташкил этилмоқда.***

Аввал хабар қилганимиздек, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси, Республика “Ҳунарманд” уюшмаси ва Бадиий кўргазмалар дирекцияси билан ҳамкорликда “Қайта тикланган ҳунар” мавзусида анъанавий кўргазма ташкил этилди.

Кўргазма ЎзМТДП сайловолди Ҳаракат дастурига мувофиқ бўлиб, миллий қадрият, анъаналаримиз, халқ ҳунармандчилиги, фольклор, тарихий ва маданий ёдгорликларни асраш ҳамда ривожлантиришга кўмаклашишни мақсад қилган.

– Ҳунармандлар ЎзМТДПнинг асосий электорати ҳисобланади,- деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Арслон Эшмуродов. – ЎзМТДП билан бевосита ҳамкорликда ўтказилаётган мазкур тадбир партия умумий ғоясидан келиб чиқиб ташкил этилган. Кўргазма номидан кўриниб турибдики, унинг воситасида мустақиллик шарофати билан қайта тикланган миллий ҳунармандчилик анъаналари намойиш этилмоқда. Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида Президентимиз ташаббуси билан миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизни тиклаш ҳамда ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Унинг ҳуқуқий асослари яратилди, ривожлантиришга қаратилган фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Кўргазмада намойиш этилаётган ҳунармандчилик намуналари ҳаммани ҳайратга солаётгани шубҳасиз. Зеро, ЎзМТДПнинг асосий мақсадларидан бири ҳам ёш авлод онгига ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган ана шундай тушунча ва анъаналарни сингдириш, давом эттириш ва янада ривожлантиришга кўмаклашишдан иборат.

Кўргазмадан ёғоч ўймакорлиги, миниатюра асарлари, миллий ва замонавий либослар тўпламлари, сопол буюмлар, сўзана, рангтасвир ва графика асарлари, кулолчилик буюмлари ўрин олган. Тадбирнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, унинг воситасида таниқли халқ усталари билан бир қаторда, уста-ҳунармандлар сулоласи вакиллари анъаналари ёдга олинмоқда, йўқолиб кетган ҳамда истеъмолдан қолаётган ҳунармандчилик намуналарини замонавий кўринишда тиклаш ва асраб қолиш имконияти пайдо бўлмоқда.

Дарҳақиқат, айни пайтда, усталаримиз йўқолиб кетган халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати турларини қайта тиклаш ишларига катта эътибор қаратмоқда. Масалан, Соҳибқирон Амир Темур даврида сипоҳлар тагига тўшалган гилам фарғоналик усталар, бундан бир аср муқаддам ипакдан тўқилган Ғажари бўғжама ва Сурхондарё ироқи дўппилари бойсунлик, Шофиркон ва Нурота мактабига мансуб каштолар, зардўзликнинг шакаракдўзи, хишти харам, чашми булбул, сити дўхи каби анъаналари бухоролик ҳунармандлар томонидан қайта тиклашга эришилди. Ҳатто уста-ҳунарманд Шариф Азимов томонидан милоддан аввалги II-III асрлар Кушон давлати даврида яратилган, Сурхондарё вилояти ҳудудидаги Кушон ва Самарқанддаги Афросиёб харобаларида олиб борилган қазилма ишлари вақтида топилган, ҳозирда мамлакатимиз давлат музейларида сақланаётган кулолчилик маҳсулотлари экспонатлари асосида унинг 40 га яқин тури қайта тикланди. Бу каби изланиш ва меҳнатлар самараси ўлароқ жойларда халқ ҳунармандчилигига хос бўлган “устоз шогирд” анъанавий институти тобора ривож топмоқда. Масалан, Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳрида XX асрда батамом унутилган читгарлик ҳунари (Солижон ота Аҳмадалиевлар сулоласи асос солган) қайта тикланиб, шаҳардаги Саид Аҳмад Хўжа Эшон мадрасасида ташкил этилган устахонада 6 нафар ёш устага ўргатилмоқда.

– Эсимни таниганимдан буён сопол буюмларини ясаш билан шуғулланаман,- дейди уста-ҳунарманд Абдулло Нарзуллаев. – Ҳозирда фарзандларимдан ташқари яна ўнлаб шогирд етиштирдик. Шу ҳунар орқасидан оила тебратаяпмиз, халқ орасида ҳам ўзига яраша обрў-эътиборга эгамиз. Миллий ҳунармандчиликни, халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилишни мунтазам давом эттириш лозим. Мана шундай кўргазмалар жуда зарур ва у бизга ўз маҳсулотларимизни хорижликлар назарига тушиш ва жаҳон бозорига олиб чиқиш имконини ҳам беради.

Дарвоқе, кўргазма доирасида Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг анъанавий халқ ҳунармандчилиги асосида тайёрланган ижодий асарлари ҳам намойиш этилмоқда. Махсус павильонда рангтасвир ва ҳайкалтарошлик асарлари ўрин эгаллаган. Унда Қорақалпоғистон Республикасидан Айнура Сапекеева, Бибиназ Ғайипова, Андижон вилоятидан Дилфуза Матбобоева, Қашқадарё вилоятидан Насибахон Шарипова, Хоразм вилоятидан Бону Азизова, Тошкент вилоятидан Сурайё Маъмурбоева ўз асарлари билан иштирок этмоқда. Уларнинг асарлари миллий анъаналарни кенг намоён этаётганлиги, ғоявий ва бадиий жиҳати билан нафақат вилоят ва республика, балки чет элларда ҳам юксак баҳоланмоқда.

– Мустақил Ўзбекистонда яшаётганимдан жуда ҳам фахрланаман,- дейди Бону Азизова. – Илк бор Зулфия мукофотига сазовор бўлганимда қалбимда қандай ҳис-ҳаяжон туйган бўлсам, бугун ҳам ана шундай ҳолатдаман. Республика миқёсида катта-катта санъат усталарининг бебаҳо асарлари намойиш этилаётган кўргазмада биз ёшларга ҳам кенг ўрин берилаётгани юртимизда ёш авлоднинг камол топиши учун барча эшиклар очиқлигининг яна бир ёрқин далилидир.

– Мен асарларимда асосан миллийликка эътибор қаратаман,- дейди Д.Матбобоева. – Аслини олганда юртимизда тайёрланган оддий бир буюм ёки жиҳоз бўладими шундоқ миллийлик руҳи уфуриб турганини кўриш мумкин. Уни айниқса, либосларимиз, чолғу-асбобларимиз, ҳатто мева-чеваларимизда ҳам кўриш ва ҳис қилиш мумкин.

– Қорақалпоғистонлик иқтидорли қизларимиз Айнура Сапекеева ва Бибиназ Ғайипова қорақалпоқ халқининг урф-одатлари, миллий либосу табиат манзарасини ўз асарларида кенг ёритиб беришган, -дейди санъатшунос З.Зайнуддинова. – Уларнинг кўргазмага қўйилган «Қорақалпоқ қизи», «Теримчи қиз» ҳамда «Қишлоқ табиат манзараси» каби асарларини меҳмонлар зўр иштиёқ билан томоша қилишди.

Кўргазмада санъат асарларини томоша қилиш билан бирга Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган қизлар ижросида баҳорни мадҳ этувчи қўшиқлар тингланди.



**Эргаш ХЎЖАЕВ,**
**Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА,**
**«Milliy tiklanish» мухбирлари**

ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНҚИД

## НАТИЖА ВА КАМЧИЛИКЛАР

### ЎзМТДП ҲУДУДИЙ ТАШКИЛОТЛАРИ ПЛЕНУМЛАРИДА ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

– Айниқса, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, жамиятимизда қарор топган миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик халқимиз эришган энг катта ютуқ ва бойликдир.

Ўтган 2010 йил юртимиз ҳаётида ўчмас из қолдирди ва тарихий воқеаларга бой бўлди. Ортда қолган йилнинг энг муҳим воқеалари ҳақида гапирганимизда, аввало, Президентимиз Ислом Каримовнинг 12 ноябрдаги Парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги ҳамда Конституциямиз қабул қилинганлигининг 18 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган тантанали йиғилишдаги тарихий маърузаларини алоҳида таъкидламоқ лозим.

2010 йил давомида ЎзМТДП томонидан амалга оширилган ишлар танқидий-таҳлилий назар билан баҳоланадиган бўлса, эришилган ютуқлар билан бирга талай камчиликлар борлиги ҳам кўзга ташланади. Ўтган йил давомида партия ташкилотлари томонидан ўтказилган тадбирларда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда китоблар, халқ ҳунармандлари, тасвирий санъат асарлари кўргазмалари, миллий куй-қўшиқ, саҳна кўринишлари ташкил қилиш, ижодкорлар билан учрашув ва улар асарларидан намуналар ўқиш сингари бадиий қисмига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Лекин айрим партия кенгашлари партия мақсад ва вазифаларига хизмат қилмайдиган ёхуд ундан анча йироқ бўлган тадбирларга ҳам ўрин ажратаётгани сир эмас. Шу ўринда айтиш жоизки, ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Сурхондарё вилояти Кенгашлари томонидан намунали тадбирлар амалга оширилди. Бироқ Наманган, Сирдарё, Андижон, Навоий ва Хоразм вилояти Кенгашлари томонидан бу борада сусткашликка йўл қўйилганлигини яна бир бор таъкидлаш фойдадан ҳоли бўлмайди. Бундан ташқари айрим партия Кенгашлари, жумладан, ЎзМТДП Андижон вилояти Кенгаши “Ёшлар қаноти” аъзолари ўртасида ўқув-семинарлар, тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўйишга етарли даражада эътибор беришмаган. Натижада айрим ёшларимиз партиямизнинг ғоя ва мақсадларини етарли даражада билишмайди.

Пленумларда таъкидланганидек, партиянинг жорий йилдаги фаолияти ҳамда барча бўғинларини ривожлантириш учун унинг дастурий мақсад ва вазифалари, сайловолди платформасига алоҳида эътибор қаратиш, тадбирларни ана шу асосда ташкил этиш зарур. Сийқаси чиққан, партия мақсадларига жавоб бермайдиган, номигагина ўтказиладиган тадбирлардан воз кечиш пайти келди. Яъни, ҳар бир ўтказилган тадбир ўзига хос бўлиши, бошқаларидан ажралиб туриши, унда асосан электорат иштирок этиши, ўтказиладиган тадбир электорат манфаатлари – муаммо ва вазифаларини ҳал этишга кўмаклашиши лозим.

Пленумларда партия ҳудудий ташкилотлари билан халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатлари ўртасидаги ўзаро алоқани янада мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Йиғилишларда бот-бот таъкидланганидек, айрим маҳаллий кенгаш депутатлари партия ҳудудий ташкилотлари билан мунтазам алоқа ёки яқин ҳамкорлик ўрнатмаганини қандай изоҳлаш мумкин? Айрим депутатларимиз шу сабабли ҳам партия электорати таклифлари ва манфаатларини маҳаллий Кенгашлар сессиялари кун тартибига олиб чиқиш ва ҳимоя қилишда сусткашликка йўл қўймоқдалар.

ЎзМТДПнинг сайловолди платформасида ҳунармандлар, касаначилар, халқ усталари ва умуман, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйишга кўмаклашиш сингари дастурий мақсадлар кўзда тутилган. Албатта, бу борадаги ишларни самарали амалга оширишда БПТлар бош таянч эканлиги эътиборга олинса, улар фаолиятини ривожлантириш бугуннинг талабидир. ЎзМТДП ҳудудий ташкилотлари пленумларида ушбу масалага ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Таъкидланганидек, кадрлар малакаси ва уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида 2010 йил давомида ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони ва жойлардаги ҳудудий партия ташкилотлари томонидан бир қанча ўқув-семинар ва тренинг машғулотлари ташкил этилди. Таъкидлаш жоизки, бу яхши самара берди. Лекин бу борадаги ишларни ҳали етарли деб бўлмайди. Ўқув-семинар ва тренинг машғулотларини мунтазам йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Танқидий-таҳлилий руҳда ўтказилган пленумларда вилоят Кенгаши раислари асосий эътиборни эришилган натижалар билан бирга йўл қўйилган камчилик ва муаммоларга қаратдилар.

– ЎзМТДП Андижон вилояти Кенгаши 2010 йил мобайнида кўплаб амалий тадбирлар, йирик анжуманлар, минтақавий кўрик-танлов ва қатор семинарлар ўтказди,- деди ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси К.Отахонов. – Жумладан, “Баркамол ёшлар — обод Ватан келажаги” шиори остида ўтказилган минтақавий ёшлар форуми, “Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони” кўрик-танловининг юқори савияда ўтказилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Албатта, ютуқлар билан биргаликда муаммо ва камчиликлар ҳам борлигини унутмаслигимиз керак. Яъни, айрим туман Кенгашлари фаолиятида партия дастурида белгиланган ғоя ва мақсадларни, сайловолди Ҳаракат дастурида зиммамизга олган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда сусткашликка йўл қўйилди. Галдаги асосий вазифа амалий ишларимизни янада жонлантириш, ўтказилаётган барча тадбир ва давра суҳбатларининг партиямиз ғоя ва мақсадларига ҳамоҳанглигини таъминлашимиз зарур. Шунингдек, халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатлари билан ЎзМТДП ҳудудий Кенгашлари ўртасидаги узвий алоқани янада жонлантириш лозим.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Самарқанд вилояти Кенгаши пленумидаги сарҳисоб ҳам ютуқлар билан бир қаторда камчилик ва муаммолар мавжудлигини кўрсатди. Пленумда вилоят Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи Анвар Мирзаев сўзга чиқиб, партия вилоят кенгаши томонидан ўтган йилда амалга оширилган ишларга кенг тўхталиб, жумладан, шундай деди:

– Биз ҳар бир қилган ва қилаётган ишимизга танқидий кўз билан қарашимиз лозим. Ўтган вақт давомида фаолиятимизда бир қатор камчиликларга ҳам йўл қўйилганидан кўз юма олмаймиз. Жумладан, ЎзМТДП Нуробод, Пахтачи, Каттақўрғон туман ташкилотлари фаолиятида партия ғоя ва мақсадларини тарғиб қилиш, сайловолди Ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган тадбирлар ташкил этишда сусткашликка йўл қўйилди.

Пленумларда партия ташкилотлари зудлик билан камчиликларни бартараф этишга қаратилган аниқ комплекс чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиши, мавжуд ижобий тажриба ва натижаларни янада кучайтириш лозимлигига эътибор қаратилди.

Таъкидлаш жоизки, партиянинг ҳудудий ташкилотларида ўтган барча пленумлар баҳс-мунозараларга бой бўлди. Муҳокамаларда асосий эътибор фаолиятимизнинг янги босқичини бошлаб берган, мамлакатни янада демократлаштириш, энг муҳими, инсон манфаатларини ҳимоя қилишни асосий мақсад қилган – Президентимизнинг “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси” номли маърузасида илгари сурилган ғояларни ҳаётга татбиқ этишда фаол иштирок этиш, Юртбошимизнинг сиёсий партиялар фаолиятига нисбатан билдирган танқидий фикр-мулоҳазалари ҳамда таҳлил ва мониторинг натижаларидан тегишли хулоса чиқарган ҳолда жорий 2011 йилда партия фаолиятини янада яхшилаш, ҳудудий партия ташкилотлари билан бир қаторда туман, шаҳар ва бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янада жонлантириш, ҳар қандай масалага чуқур масъулият билан ёндашиш, аъзолар сонини ошириш ва ўтган йилда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишга қаратилди.

**Камолиддин ҲОТАМОВ,**
**«Milliy tiklanish» мухбири**

168 СОАТ: ЎзМТДП ТАШКИЛОТЛАРИДА

## ПАРТИЯ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ

### ҲУДУДИЙ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ТАДБИРЛАРИНИНГ АСОСИЙ МАВЗУСИГА АЙЛАНДИ

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ**

ЎзМТДП Тошкент вилояти Кенгаши “Ёшлар қаноти” ташаббуси ҳамда партиянинг Олмалиқ шаҳар Кенгаши билан ҳамкорликда “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик – жамиятимизнинг, бугунги тараққиётимизнинг мустаҳкам таянчи” мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Унда ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партиянинг “Ёшлар қаноти” фаоллари, Олмалиқ шаҳар Навоий Давлат кончилик институти профессор-ўқитувчилари ва талабалари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбирдан кўзланган мақсад кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш орқали тадбиркорлик соҳасини янада ривожлантириш ҳамда ёшларнинг ушбу соҳа билан шуғулланишлари учун шарт-шароит яратишга кўмаклашишдан иборат.

Давра суҳбатида сўзга чиққанлар мамлакатимизда хусусий секторни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, унинг самаралари, тадбиркорлик субъектларини қўллаб–қувватлаш ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари самарадорлигини оширишда ёшлар ўрнини кучайтириш лозимлигини таъкидладилар.

* * *

ЎзМТДП сайловолди Ҳаракат дастурида ҳуқуқий ва иқтисодий воситаларни такомиллаштириш орқали мамлакат ишлаб чиқарувчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, миллий ҳунармандчиликнинг барча турларини ривожлантириш, истеъмол товарлар ва хизматлар соҳасида керакли натижаларга эришишга кўмаклашиш таъкидланган. Бу борада жойларда турли тадбир, давра суҳбати ва амалий анжуманлар ўтказилмоқда.

ЎзМТДП Ангрен шаҳар Кенгаши томонидан “Миллий ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш – миллий иқтисодиётимизни шакллантиришнинг бош омили” мавзуида ўтказилган давра суҳбати ҳам партия электорати манфаатини ҳимоялашга қаратилди.

Тадбирни ЎзМТДП Ангрен шаҳар Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Б.Ўразалиев кириш сўзи билан очиб, жорий “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”да амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритди. У ҳунармандчилик ва касаначиликни ёшларимиз орасида кенг тарғиб этиш, уларда миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизга ҳурмат туйғусини шакллантириш муҳим вазифалардан бири эканлигини таъкидлади.

Давра суҳбати сўнгида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

**БУХОРО**

Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлис Палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида атроф-муҳитни ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли ва ўрнини оширишга қаратилган “Экологик назорат тўғрисида”ги қонун қабул қилиш ташаббусини илгари сурди.

Қуйи палата депутатлари томонидан Концепцияда белгилаб берилган дастурий вазифалардан келиб чиққан ҳолда “Экологик назорат тўғрисида”ги қонун лойиҳаси тайёрланди. Эндиликда жойларда ушбу қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган давра суҳбати ва учрашувлар ўтказилмоқда.

ЎзМТДП Бухоро вилояти Кенгаши, Ўзбекистон Экологик ҳаракати Бухоро вилоят ҳудудий бўлинмаси, фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Бухоро МАТМ, “Камолот” ЁИҲ Бухоро вилояти бўлими Кенгаши билан ҳамкорликда “Атроф-муҳит муҳофазасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ЎзМТДП вилоят Кенгаши аъзолари, Бухоро вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоят санитария ва эпидемиология назорати маркази, вилоят соғликни сақлаш бошқармаси, экология ва тиббиёт соҳасида фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотлар, “Камолот” ЁИҲ, фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Бухоро минтақавий ахборот таҳлил маркази мутахассислари, олимлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбир “Экологик назорат тўғрисида”ги қонун лойиҳасини муҳокама қилиш, мазкур қонун юзасидан фикр-мулоҳаза ва таклифларни ўрганиш, шунингдек, аҳоли, айниқса, ёшларнинг экологик билим, маданияти ва саводхонлигини оширишга қаратилди.

Давра суҳбати сўнгида кўрилган масала юзасидан жойларда ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда тадбир, давра суҳбати ва учрашувлар ташкил этишга келишиб олинди.

**СИРДАРЁ**

ЎзМТДП Сирдарё вилояти ва Янгиер шаҳар Кенгашлари “Аёллар қаноти”, Хотин-қизлар қўмитаси шаҳар бўлими билан ҳамкорликда “Фуқаролик жамиятини шакллантиришда аёлларнинг иштироки ҳамда сиёсий партияларнинг ўрни ва роли” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Таъкидлаш лозимки, жамият тараққиётида аёллар муҳим ўрин тутади. Шу боис, хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш бугунги куннинг долзарб вазифалари сирасига киради.

Тадбирда “Аёллар қаноти” томонидан партия дастурий мақсад ва вазифаларини кенг тарғиб қилиш, миллий қадрият, анъаналаримизни ёшлар онгига сингдириш ҳамда хотин-қизларнинг сиёсий, иқтисодий-ҳуқуқий билимларини оширишга кўмаклашиш борасида амалга оширилган ишлар танқидий таҳлил қилинди.

**СУРХОНДАРЁ**

ЎзМТДП Сурхондарё вилояти Кенгаши ва “Маҳалла” жамғармаси Сурхондарё вилояти бўлими билан ҳамкорликда Термиз шаҳридаги 12-сонли меҳрибонлик уйида “Меҳринг бутун бўлсин, болажон !” мавзусида тадбир ўтказилди.

Тадбирда юртимизда ёш авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, фарзандларимизни жисмонан соғлом, маънан етук инсон бўлиб вояга етиши учун яратилаётган имконият ва шарт-шароитларга эътибор қаратилди.

Тадбир доирасида меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари томонидан тайёрланган миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимиз акс этган бадиий дастур намойиш этилди.

*Ўз мухбиримиз*

# ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

**● КОНЦЕПЦИЯ: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР**

## ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ

### ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШАДИ

Ўзбекистон истиқлолга эришгач, барча соҳаларда бўлгани каби қонун ижодкорлиги соҳасида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилди. Айниқса, мамлакатимизда 2005 йилдан эътиборан икки палатали парламентнинг барпо этилиши бу борада эришилган муҳим ютуқлардан бири бўлди. Икки палатали парламентни барпо этишдан кўзланган мақсадлардан бири ҳам Юртбошимиз таъкидлаганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятининг доимий ва профессионал тарзда олиб бориши воситасида парламентнинг қонун ижодкорлиги борасидаги иши сифатини кескин оширишдан иборат.

Дарҳақиқат, қонун ижодкорлиги жараёни самарадорлигини ошириш мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, шу орқали давлат ва жамият ҳаётида муҳим ўрин тутадиган қонунларни яратиш, уларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётида самарали амалга оширилишини таъминлаш имконияти янада кенгаяди.

**Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш қонун ижодкорлиги жараёнининг самарадорлигини янада юқори даражага кўтаришни тақозо этмоқда.**

Шу ўринда таъкидлаш керакки, мамлакатимизда қонун ижодкорлигини ривожлантиришга қаратилган ҳуқуқий асослар босқичма-босқич такомиллаштирилмоқда. 2000 йил 14 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуни, 2006 йил 11 октябрдаги "Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш қонун ижодкорлиги жараёнининг самарадорлигини янада юқори даражага кўтаришни тақозо этмоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов **"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"**да таъкидлаганидек, бундан ўн йил олдин қабул қилинган амалдаги "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳририни қабул қилишни бугун ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда. Давлатимиз раҳбари "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳририни қабул қилиш заруратининг қуйидаги омиллари мавжуд эканлигини кўрсатади. Булар, ***биринчидан,*** ўтган даврда қонун ижодкорлиги жараёни кенгайганлиги ва бирмунча мураккаблашганлиги. ***Иккинчидан,*** норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосланганлиги ва сифатига нисбатан талаблар сезиларли даражада ошганлиги.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш - устувор мақсадимиздир" номли маърузасида аввалги парламентимиз фаолиятидаги камчилик ва нуқсонлар, фойдаланилмасдан қолган имкониятлар ҳақида гапириб, Қонунчилик палатаси фаолиятидаги энг катта камчиликлардан бири унинг қонун ижодкорлиги ишлари бўйича чуқур ва ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган, мамлакатимизда амалга оширилаётган социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар жараёнининг талаблари билан узвий боғлиқ бўлган, узоқ истиқболга мўлжалланган ўз дастурига эга эмаслигида, деб таъкидлаганди. Шундай экан, "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳририда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилувчи органлар томонидан ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш ёки қонун ҳужжатлари нормаларини такомиллаштириш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлашнинг жорий ва истиқболли режаларини ишлаб чиқиши ва тасдиқлаши мумкинлиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашни режалаштириш тартиби норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилувчи органлар томонидан белгиланиши тўғрисидаги қоидалар ўз ифодасини топмоғи лозим.

**Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини экспертизадан ўтказиш ниҳоятда долзарб масалалардан ҳисобланади. Зеро, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида самарали ишлаши кўп жиҳатдан унинг қай даражада экспертизадан ўтказилганлигига боғлиқ.**

Шу ўринда ўрганилган аксарият МДҲга аъзо давлатларнинг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонунида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини режалаштиришни назарда тутувчи нормалар мавжуд.

"Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳририда норматив-ҳуқуқий ҳужжатни тайёрлашда норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қўлланиш амалиётини, жамоатчилик фикрини ҳамда халқаро тажрибани ўрганиш масалаларига алоҳида эътибор берилиши талаб этилади. Шу ўринда "Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида"ги Қонуннинг 15-моддасида қонунлар лойиҳаларини тайёрлашда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормалари ҳисобга олиниши, шунингдек, қонун билан тартибга солиш борасида бошқа давлатлар тажрибаси ўрганилиши, 16-моддада эса қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритгунига қадар жамоатчилик фикрини ўрганишни ташкил этишга ҳақли эканлиги, қонун лойиҳаси бўйича жамоатчилик фикрини ўрганиш тартиби ва шакли қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти томонидан белгиланиши назарда тутилган. Шундай экан, "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳририда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини давлат органлари ва бошқа ташкилотлар иштирокида тайёрлашда уларни муҳокама қилиш тартибини белгиловчи ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатни тайёрлашда халқаро тажрибани ўрганиш масалаларига оид нормалар ўз аксини топиши лозим.

Шу ўринда қонун ижодкорлиги жараёни бўйича Германия тажрибасига тўхталадиган бўлсак, мазкур давлатда қонунчилик ташаббуси тартибида аксарият қонун лойиҳалари Федерал ҳукумат томонидан киритилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини экспертизадан ўтказиш ниҳоятда долзарб масалалардан ҳисобланади. Зеро, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида самарали ишлаши кўп жиҳатдан унинг қай даражада экспертизадан ўтказилганлигига боғлиқ. Амалдаги "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонунда мазкур масалага фақат битта модда (18-модда) ажратилган холос. Бироқ ўрганилган айрим давлатлар (Беларусь, Озарбойжон, Арманистон) қонунчилик тажрибасида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини экспертизадан ўтказиш масаласи алоҳида бобларда ўз ифодасини топганлигини, унда иқтисодий, молиявий, экология экспертизалардан ташқари илмий ва криминологик экспертиза ўтказиш тартиби, экспертизани амалга оширувчи шахслар ва ташкилотлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини экспертизадан ўтказиш учун юбориш бўйича ташаббус билан чиқиш масалалари назарда тутилганлигини кўриш мумкин. Шу боис, "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳририда қонун лойиҳалари бўйича ўтказиладиган экспертизаларнинг турларига аниқлик киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

"Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳририда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижрочи ва аҳолига етказиш, унинг ижро этилиши ва амалга оширилиши бўйича назорат ва текширувни назарда тутиш ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро этилмаслиги (лозим даражада ижро этилмаслиги) бўйича жавобгарликни назарда тутувчи нормаларни киритиш мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва саводхонлигини янада оширишда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, қонун – бу ҳуқуқий демократик давлатнинг пойдевори бўлиб, унда демократия ва ҳуқуқий давлат тамойиллари ўзаро уйғунлашади.

Хулоса ўрнида алоҳида қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов **"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"**да таъкидлаганидек, мустақил тараққиётимизнинг ўтган даврида амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, уларни ҳаққоний баҳолаш ва ислоҳотлар дастурига маълум ўзгартишлар киритиш билан бирга, биринчи навбатда, эртанги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларимизни кучайтиришимиз, уларни янги, янада юқори босқичга кўтаришимиз даркор. Дарҳақиқат, давлат ва жамият ҳаётида муҳим ўрин тутадиган "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳрирда ишлаб чиқилиши мамлакатимизда қонунийликни тўлиқ таъминлаш мақсадида янги ва янада самарали механизмларни яратишга, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалда самарали татбиқ этилишига ҳамда унинг мавжуд қонунларга, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар эҳтиёжларига мос бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

**Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлар доктори**

**● ВАТАН ҲИМОЯСИ — МУҚАДДАС БУРЧ**

## ЭЛ-ЮРТГА СОДИҚЛИК ОНТИ




***Президентимиз Ислом Каримовнинг ғояси ва ташаббуси билан пойтахтимизда бунёд этилган "Ватанга қасамёд" ҳайкали пойида муддатли ҳарбий хизматни ўташга киришган бир гуруҳ аскарларнинг тантанали қасамёд қилиш маросими бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, аскарларнинг ота-оналари иштирок этди.***

Тошкент ҳарбий округи офицери А.Муинов, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари О.Парпибоева, аскар онаси Нодира Мамарасулова ва бошқалар миллий армиямиз ёшларимиз учун ҳақиқий мардлик, матонат ва ҳаёт мактабига айланганини таъкидлаб, аскарларни халқимизга, Президентимизга садоқат билан хизмат қилишга, содиқ, ҳалол, жасур ва сергак аскар бўлишга чақирди.

Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларни тубдан ислоҳ қилиш, ихчам, юқори тайёргарликка эга армияни шакллантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш имконини бераётир.



Эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталигининг муносиб ҳимоячиси бўлишга қасамёд қилган йигитлар сафида Бухоро вилоятининг Жондор туманидан муддатли ҳарбий хизматга чақирилган Тожиддин Шодиев ҳам бор.

– Қуролли Кучларимиз шарафига барпо этилган ушбу бетакрор монумент Ватанга садоқат, халқимизнинг фидойи ўғлонларининг мардлиги ва жасоратининг ёрқин тимсолидир, – дейди оддий аскар Т.Шодиев. – Муҳташам монумент пойида қасамёд қилишимиз биз ҳарбийларга чексиз ғурур ва ифтихор бағишлайди.

**Х.САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири**

**● ЖАРАЁН**

## РИВОЖЛАНИШ УФҚЛАРИ

### МАМЛАКАТИМИЗНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ФАОЛИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг ўтган йил 12 ноябрь куни бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги* "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" *номли маърузаси мамлакатимиз ва жаҳон жамоатчилиги томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди ҳамда чуқур ва атрофлича ўрганилиб, таҳлил қилинмоқда. Мазкур маъруза Ўзбекистоннинг ривожланиши ва босқичма-босқич давом этаётган ислоҳотлар жараёнининг сифат жиҳатидан янги марраларини бошлаб берувчи тарихий ҳужжат сифатида қабул қилинди. Президентимиз ўз маърузасида мамлакатимизни тадрижий ва босқичма-босқич ривожлантириш бўйича танлаган йўлимиздан оғишмай, қатъият билан боришимиз зарурлигини таъкидлаб, Ватанимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг Концепциясини баён қилдилар.*

Юртимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида олиб борилаётган кенг миқёсли ислоҳотлар 2001 йилда демократияни ривожлантириш ва либераллаштиришни кучайтиришга қаратилган ўзининг янги босқичига қадам қўйган эди. Ўтган вақт ичида бу борада Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, икки палатали парламентни вужудга келтириш, ҳокимиятнинг вакиллик органлари вазифа ва ваколатларини кучайтиришга, сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ҳамда қарорлар қабул қилишдаги ролини оширишга хизмат қиладиган салмоқли ислоҳотлар амалга оширилди.

Ҳал қилувчи аҳамиятга эга бундай қарорлар ўз вақтида қабул қилинганлиги ва у мамлакатимизни модернизация қилиш ва янада демократлаштириш жараёнларида муҳим ўрин тутганлигини босиб ўтган йўлимиз ва тажрибамиз кўрсатиб турибди. Шу боис бугун жамиятимизда демократик қадриятлар мустаҳкам ва чуқур илдиз отди, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти юксалиб, уларнинг фуқаролик позицияси кучайди. Бугунги кунда ҳар бир фуқаро атрофда бўлаётган воқеалар моҳиятини теран тушуниб, унга нисбатан мустақил позицияга эга эканлигини намойиш қилмоқда. Одамларнинг жамиятимизда кечаётган жараёнларда фаол иштирокини таъминлашда сиёсий партиялар алоҳида роль ўйнамоқда. Ҳозирги пайтда юртимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни, қарорлар қабул қилишдаги роли кучайиб, кўппартиявийлик тизими мустаҳкамланди. Партиялар ўртасида амалий негизда кучайиб бораётган ўзаро кураш ва рақобат қонунлар сифатини яхшилашга, ҳар бир партиянинг электорати манфаатларини ҳимоя қилишнинг кучайишига олиб келмоқда.

Концепцияда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш энг устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 98-моддасининг янги таҳрири, яъни Бош вазир номзоди Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилиши ҳақидаги янги норма ва ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми институтининг жорий этилиши мамлакатимизни ислоҳ этиш ва жамиятни демократлаштиришнинг навбатдаги босқичини бошлаб беради.

Бу эса, ўз навбатида, сиёсий партиялар ўз фаолиятларини тубдан янгилашларини талаб қилади. Хусусан, бу янги конституциявий тартиб барча сиёсий партиялар ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари зиммасига катта масъулият юклайди. Давлатимиз раҳбари **"...мазкур ислоҳотларнинг муваффақияти, аввалambор, мамлакатимизни янада демократлаштириш ва либераллаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз суръатига, фуқароларимизнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий маданиятининг юксаклигига ва ўз-ўзидан аёнки, биринчи навбатда сиёсий партияларнинг етуклик даражасига, уларнинг Ўзбекистонимиз тақдири ва келажагига дахлдор бундай улкан масъулиятли ваколатларни ўз зиммасига олишга қай даражада тайёр эканига бевосита боғлиқдир"**, деб алоҳида таъкидладилар.

Белгиланган кенг кўламли вазифаларни бажариш учун сиёсий партиялар ўз иш фаолиятларини янада такомиллаштириш, сиёсий куч сифатида жамият ҳаётидан мустаҳкам ўрин эгаллаш, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий ва иқтисодий жиҳатдан дунёқараши ва билим доираси кенг масъулиятни ўз бўйнига ола биладиган етук кадрлар потенциалини вужудга келтириш, партия мафкураси ва ғоясига янгича ёндашувларни шакллантиришга қаратилган ишларни амалга ошириши зарур.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча партиялар ўзларининг дастурий мақсадлари ва ғояларини амалга ошириш, бўлиб ўтган сайлов вақтида сайловчиларга берган ваъдаларини бажариш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан муайян ишларни амалга оширган бўлсалар-да, бироқ, ҳали улар жамиятимиз ҳаётидан мустаҳкам ўрин эгаллаш, муқобил дастур ва лойиҳаларни илгари суришда оқсоқликка йўл қўйишмоқда. Айниқса, жойларда Президент фармонлари, қарорлари ва қонунларнинг ижросини таъминлаш бўйича жамоатчилик назоратини ташкил қилишда етарли даражада ташаббус кўрсатмаяптилар.

Сиёсий партиялар фуқаролар қалбида жамиятимизда кечаётган ўзгаришлар ва янгиланишларга нисбатан дахлдорлик туйғусини уйғотиш, уларни сиёсий жараёнларга жалб қилиш, ижтимоий қатламларни ўзининг партиявий ғоясидан келиб чиқиб ортидан эргаштириш борасида ҳам ҳали кўп иш қилишлари лозим бўлади.

Юртбошимиз илгари сурган вазифа ва ғоялар юртимиз ва халқимиз манфаатларига хизмат қилишини янада кучайтиришни талаб қилмоқда. Ана шу талабдан келиб чиқиб партиялар ўзларининг дастурий мақсадларини давр талаблари асосида янада кучайтириши, замонавий иш услубларини шакллантириши зарур. Сиёсий партияларга берилаётган ваколат, имконият ва янгича ҳуқуқий мақом чуқур масъулият ва фаолликни талаб қилмоқда. Барча партиялар замон талабларига жавоб берадиган, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантиришнинг пишиқ-пухта ишланган дастурига эга бўлиши долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиз ривожининг янги истиқболларини белгилаб берган ушбу тарихий Концепция жуда чуқур, кенг қамровли ислоҳотларга ва миллий давлатчилигимиз ривожига янада кенг йўл очди. Жамиятимизни либераллаштириш ва мамлакатимизни демократлаштириш ҳеч қачон ортга қайтмайдиган ва изчил воқеликка айланганлигини яна бир бор тасдиқлади. Мустақиллик йилларида эришилган натижалар ва босиб ўтилган йўл ҳамда тўпланган тажриба холисона баҳоланиб, тараққиётимизнинг янги уфқлари белгилаб берилди.

**Ғуломжон ПОЛВОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси**

# МАЪНАВИЯТ

● ТАРИХ ВА ТАҲЛИЛ

## БУЮК ТИКЛАНИШ ЙЎЛИ

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Кези келганда инсоният маънавиятига дахлдор бир воқеани эслаш ўринли бўлар. 1989 йили БМТ томонидан "Инсоният инсонийлигини сақлаб қола оладими?" (Winning the Human Race? Report of the Independent Comission on international Humanitarian Issues/ London and New Jersey. 1989. –272p.) номли тўшвишли илмий-тадқиқот натижаси чоп этилди.

Бу китоб устида жаҳоннинг 34 мамлакатидан энг машҳур олимлар ишлашди. Бироқ, ўтган 19 йилда гуманитар муаммолар камаймади, кўпайиб келаверди. Ниҳоят, 2008 йили Ўзбекистон раҳбари ушбу муаммо ечимларини оқибатдан эмас, сабабдан – инсоннинг ўзидан, унинг маънавиятидан излаш кераклигини асослаб берди. Президентимиз давлат раҳбарлари орасида биринчилардан бўлиб «маънавият» тушунчасини илмий, сиёсий истеъмолга киритди. Шу сабабли "Юксак маънавият – енгилмас куч" китоби жаҳоннинг ўнлаб тилларига таржима қилинди, қилинаётир. Бу – одамдаги инсонийликни, она сути, ота ўгити билан сингган миллийликни сақлаш, бойитиш ташаббусининг дунёдаги эътирофини тасдиқламоқда.

Президентимиз томонидан ислоҳотлар комплексида маънавий ислоҳотнинг етакчи роли методологик асослаб берилди. Миллатни юксак маънавиятли қилиш - давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Чунки: **«Моддий ислоҳотлар, иқтисодий ислоҳотлар — ўз йўлига. Уларни ҳал қилиш мумкин. Халқнинг таъминотини ҳам амаллаб туриш мумкин, аммо маънавий ислоҳотлар — қуллик, мутелик исканжасидан озод бўлиш, қаддини баланд тутиш, ота-боболаримизнинг удумларини тиклаб, уларга ворис бўлиш — бундан оғирроқ ва бундан шарафлироқ вазифа йўқ, бу дунёда».** Зеро оламнинг яралишидан мақсад ҳам инсон. Демак, инсон омили кучайтирилиши керак.

### ИНСОН ОМИЛИ

Автомобилсозлик ҳам, ғаллачилик ҳам, қурилиш, санъату саноат, банку зироат иши - ҳаммаси инсон омилидан бошланади. Инсонда тугайди. Яъни тадбиркор, қурувчи, фермер, банкир, ишчининг "Мен нима учун ишлашим керак? Қандай ишлашим керак?" деган саволларга жавоби ва амали ё таназзулни, ё тараққийни белгилайди. Ишлаётган одамнинг "пул топиш"дан бир баҳя юқорида турувчи мотиви, яъни маънавий мотиви бўлса, иқтисод ҳам, сиёсат ҳам, қишлоқ хўжалиги, саноат, мудофаа, қурилиш ҳам шунча тез ривожланади. Чунки: **«Барчамиз яхши англаб олишимиз керакки, ҳаётимизнинг бошқа соҳаларидаги аҳвол, амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг самарадорлиги, аввало халқ маънавиятининг тикланиши, тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, анъаналаримизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожи билан узвий боғлиқдир».** Бундан маънавият – маънавият учун эмас, инсон фаровонлигига қаратилган ислоҳотлар самарадорлиги учун, деган ҳақиқат ошкор эмасми?

Маънавий қашшоқ миллат ҳеч қачон иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий тараққиётга эриша олмаган. Маънавият қанча юксак бўлса, миллий тикланишнинг Инсон омили кучаяди. Унинг иш самарадорлиги, баракаси шунча юксак бўлади. Юксак маънавиятли киши ёмон ишлаши, ёмон фуқаро бўлиши, бировга ёмонлик исташи мумкин эмас. Чунки у ўзини бошқаларга, мамлакат ҳаётига, тақдирига дахлдор деб билади. Ўз меҳнати билан нафақат даромад олаётганини, балки миллий тикланишимизга ҳисса қўшаётганини билади. Бундан мамнун, бардам юради. Шу маънода юксак маънавият Ўзбекистоннинг енгилмас кучига айланаётир. Миллий тикланишимизга суръат ва қувват бераётир. Бундан эса Президентимиз томонидан маънавиятни ислоҳ қилиш нега биринчи даражали вазифа сифатида кун тартибига қўйилганининг ҳикмати тобора равшан бўла бормоқда.

Миллий тикланиш – тўхтамай, узлуксиз кўтарилиш, ривожланиш демак. Бунда бир эмас, бир неча авлодлар иштирок этади. Тикланишнинг бардавомлиги учун биздардан озод ва обод Ватанни қабул қилиб оладиган авлодлар қандай бўлишлари керак? Бу саволга Президентимизнинг халқимизда машҳур бўлиб кетган **"Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт!"** деган шиорлари жавоб. Марра жуда, жуда баланд қўйилди. Натижалари ҳар биримизни қувонтирмоқда. Ушбу талаб а б а д и й миллий шиоримиз бўлиб қолиши керак. Бунинг учун ҳар бир ота-она "Фарзандим мендан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлиши шарт!" деб ният қилсин. Ўз фарзандини ана шу юксак маррага етказиш учун ҳар кунлик амалий тарбияга киришсин. Ана шунда ҳар бир оилани, ҳар бир Ўзбекистон фарзандини ушбу буюк марра устида кўрамиз.

Миллий тикланишимизда ёшларимизнинг ҳозирги замон фани, техника ва технологияси ютуқларини чуқур ўзлаштиришлари ҳал қилувчи омил. Юксак ривожланган мамлакатлар тажрибалари қайси мамлакат ёшлари замонавий фан, техника ва технология ютуқларини қанчалик мукаммал эгалласа, мамлакат тараққиётига қўшадиган ҳиссалари шунчалик кўп бўлишини тасдиқлаб турибди.

Кўпмиллатлиликни, мультикултурализмни айрим давлатларда муаммо, хавф деб аюҳаннос солишмоқда. Бизда эса миллатлараро тотувлик миллий мафкурамизнинг асосий ғояларидан бири. "Миллий ғоя – бизнинг ғоя" деган ибора республикамизда тинч-фаровон яшаётган барча халқ ва элатларнинг тилида, дилида, аҳиллигида намоён. Республиканинг миллий-маданий ранг-баранглиги маънавий қайта тикланиш, янгиланиш омили бўлиб хизмат қилмоқда.

### МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШИМИЗ МУХОЛИФЛАРИ

· Кўплаб бузғунчи ғояларнинг асосий таъсир объекти ёш мустақил мамлакатлар бўлиб қолмоқда. Мақсадлари аён - ўз мавқеини ўзга минтақаларда мустаҳкамлаб, минтақаларни ўз таъсири остига олиш, ёш, суверен давлатларни ўз манфаати доирасига киритиш, уларнинг мустақиллигини заифлаштириш. Шу туфайли **"Минтақада шаклланган ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий алоқаларни издан чиқариш дўст ва биродар давлат, халқ ва миллатлар ўртасига низо солиш, кескинлик ўчоқларини келтириб чиқариш учун турли ғоявий, диний ва мафкуравий воситалар ишга солинмоқда"**.

➔ Диний экстремизм "демократия миллий қадриятларга ва маънавиятга зид, халқ ҳокимиятчилиги маънавий қадриятларнинг йўқолишига олиб келади", деб, демократик ислоҳотлар йўлига тўсиқ қўйишга уринмоқда.

➔ Коммунистик мафкура ва ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган "оммавий маданият" ёпирилиб кириб келишга ҳаракат қилаётир.

➔ Ёт мафкуралар, уларга ёлланган "қалам акулалари" аҳоли, ёшларимизни меҳнат, ўқишдан чалғитиб, ўйинларга, кўнгил очишга, истеъмолчиликка йўналтириб, ўзларига ўхшашга чорлаётир. Бебаҳо миллий қадриятларимиз ўрнига сохта қадриятларини киритиш, мустақиллик ғояларини қоралаш, миллийликка секин-аста путур етказиш, авлодларни аждодларга гиж-гижлашга интилмоқда.

➔ "Қийналиб, стресслар билан топиладиган кўп даромаддан кўра кам зўриқиб эришиладиган ҳаловат яхши. Кел бизнинг сафларимизга, деб чорламоқда ёшларимизни замонавий "таркидунёчилар" - дауншифтерлар жамиятлари.

➔ Айрим секталар ёшларимизга: "ҳарбий хизматга борма, бурчларингдан қутул, қўй, кел бизнинг сафларга, биз билан бирга бўл" деб имлаётир.

➔ Киберлудомания (гемблинг) болалар ва ўсмирлар орасида ўйинбозликка жалб қилиб, уларни ҳаётдан, меҳнатдан, ўқиш, спортдан ажратиб олиб, қалбларига "бир лаҳзалик омад" васвасасини солаётир. Бу муаммо интернет on-line тизимида ҳам авж олаётир.

➔ "Ватан", "миллат", "миллий давлатчилик" тушунчалари эскирди. Дунёда бир тилли битта давлат, битта ҳукумат тузамиз, Ватанингни қўй, дунё фуқароси бўл", деб авраmoқда космополитизм.

➔ Эгоцентризм мафкураси "Замонавий бўлсанг – ўзингни ўйла", деб ёшларимизда биз шакллантираётган мафкуравий иммунитетни - тўсиқни олиб ташлашга ҳаракат қилмоқда.

➔ "Ҳаёт бу – роҳат, фароғат. Қўй, ўзингни қийнамагин. Лаззатлан. Ҳамма, ҳамма нарсалар сенинг ҳузур-ҳаловатингга хизмат қилиши керак", демоқда ёшларимизга гедонизм.

➔ Эскапизм "Одамлар орасида яшаш – ғурбатнинг ўзи. Ватаним деб бошингни оғритма. Ўз хаёлларинг билан яша", деб биз сингдираётган дахлдорликни ювиб юборишга интилаётир.

➔ Айрим "нодавлат ташкилотлар" ўзларича дунё харитасини турли рангларга бўяб, бичиб, "демократия тақчил" мамлакатлар рўйхатларини тузиб олишган.

Энг ёмони - бу бузғунчи ғоялар тўдаси чиройли, ёқимли сўзлардан фойдаланади. Чиройли кулиб, маҳлиё қилишади. Уларнинг ҳар бир чиройли сўз, ғамзалари ёшлар қулоғи, кўзларига ташланаётган қармоқ. Халқимиз, ёшларимиз чиройли сўзловчи ҳеч бир "авлиё"га маҳлиё бўлмайдилар. Ўзларини, Ватанини, халқи, маҳалласи, ота-онаси, ука-синглисини улардан асрай оладилар.

Хуллас, ўйлаб қарасак, ўтган 20 йил бир қўлимиз бунёдкор меҳнатда, иккинчиси мустақиллик ҳимоясида бўлибди. Агар ёвуз кучлар бизни яратувчилик меҳнатидан чалғитмаганида, ютуқларимиз бундан-да юксак бўлар эди.

### БИЗНИ ТИКЛАГАН ШИОРЛАР

**Жамият ҳақиқатга йўғрилган ғоялар билан яшайди.**
**О.Бальзак**

Телевидениеда, автобус, таксида, газетаю интернетда бир фикрни кўп эшитавериб, қулоғимиз "пишиб" қолди. Бу – "Ўзбекистон, унинг пойтахти, шаҳру-қишлоқлари таниб бўлмайдиган даражада тез ўзгариб бораётир", деган фикр. Бундан баъзан "Шундай. Тўғри. Яна қандай бўлиши мумкин?", дегандай ажабланиб ҳам қўямиз. Нега бундай тикланиш, ўзгариш кўп ва тез?

Одамни – фикр, оламни – иш ўзгартиради. Демак, Ўзбекистонни – иш, халқимизни – Бош миллий ғоямиз: озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон жамият қуриш нияти ўзгартирмоқда. Бу ният, азму шижоатни Президентимиз Ислом Каримов кўтарган ғоя, фикрлар берди. Улар миллатимизнинг шўролар музлатган фахр, ифтихор туйғуларини иситиб, уйғотди. Бизларни бирлаштирди. Миллий ғоямизга, ундан амалий ишларимизга кўчиб, улуғ амалий вазифаларни бажармоқда. Миллатимизнинг кечаси, бугуни, эртасини кўрсатиб:

➔ Ватанга чексиз муҳаббат садоқат бонги бўлиб янграмоқда: **Ўзбекистон – келажаги буюк давлат! Шу азиз Ватан барчамизники! Биздан озод ва обод Ватан қолсин! Ватан саждагоҳ каби муқаддас. Ўзбекистон – улкан имкониятлар мамлакати! Ватан туйғуси ҳар нарсадан устун! Ватаним менга нима берди, деб эмас, мен ватанимга нима бера олдим, деб яшаш керак! Элни Ватан манфаати бирлаштиради. Халқ фаровонлиги - фаолиятимиз мезони. Биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз! Ватан ободлиги кўнгил ободлигидан бошланади. Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон! Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди!**

➔ Бизни дахлдорликка, ҳаракатга чорламоқда: **Мустақиллик – улкан масъулият! Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби! Озод бўлсанг - озод бўл, эркин бўлсанг - эркин бўл, мустақил бўлсанг – ҳақиқий мустақил бўл! Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг. Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар куни қилиши керак! Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз! Биз қуриш, яратиш йўлидан бораверамиз! Келажакни жасоратли одамлар қуради! Мардлар қўриқлайди Ватанни! Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили!**

➔ Улардан юксак маънавият уфуриб туради: **Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. Миллат қудрати - ҳамжиҳатликда. Огоҳлик – давр талаби. Жамиятимиз мафкураси халқни - халқ, миллатни - миллат қилишга хизмат этсин. Халқимиз бор экан, Амир Темур номи барҳаётдир. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Юксак маънавият - келажак пойдевори. Юксак маънавиятсиз келажак йўқ. Юксак маънавият – енгилмас куч. Ўзбекистон халқи ўз йўлидан қайтмайди.**

➔ Барча соҳаларда ислоҳотларга йўл очиб бораётир: **Ислоҳот —ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун! Демократия - бош йўлимиз. Ислоҳотлар мезони - одамлар ҳаётидаги ўзгаришдир. Деҳқончилик тараққиёти - фаровонлик манбаи. Тадбиркорлик - иқтисодиёт келажаги. Оила фаровонлиги - миллат фаровонлиги. Фан Ватан равнақига хизмат қилсин! Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин! Ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби тезда дунёга машҳур қила олмайди. Адабиётга эътибор – маънавиятга эътибор! Тинчлик учун курашмоқ керак! Давлат хусусий мулкдор ҳуқуқларининг ҳимоячисидир!**

Бу ғоялар миллий тикланишимизнинг энг қийин йиллари синовидан ўтди. Халқимизни асради, унга куч, мадад берди. Демак, уларга садоқат бундан кейин ҳам миллатимизни асрлардан асрларга беталофат, соғлом ва фаровон элтаверади.

### КЎЗЛАРГА САВОЛ

1991 йилдаги Ўзбекистон билан 2011 йилдаги Ўзбекистонни қандай қиёсласа бўлади? Нималарга ўхшатса бўлади?

➔ Гувала уйлар билан кўзларимизни қувонтираётган янги уй-жойларга.

➔ Қадди эгик, ўтирган одам билан тик, мағрур юриб кетаётган одамга.

➔ Бемор билан соғлом одамга.

➔ 14 киши танийдиган одам билан жаҳонга машҳур одамга.

Агар йигирма йиллик миллий тикланишимизни тасвирлаш учун атиги 5-10та мисол бўлганида, уларни шарҳлаш, тушунтириш осон бўларди. Яхшиликлар, янгиликлар, бунёдкорлик беҳисоб бўлса, бу мушкул бўлар экан. Сиз эришган натижаларимиз тарғиботида бундан ҳам яхши қиёслар топасиз. Шундай эмасми?

**Муҳаммад ҚУРОНОВ**

● МАВСУМ ЯНГИЛИГИ

*Пойтахтдаги Миллий санъат марказида Фонд Форум, "IJOD" рассомлар, санъатшунослар ва халқ усталари уюшмаси ҳамда "Устазода" бирлашмасининг энг ёрқин лойиҳаларидан бири — "Bazar-Art — 2011" кўргазма-ярмаркаси бўлиб ўтди.*



## "BAZAR-ART — 2011": БАҲОР"

«Bazar-Art» кўргазма-ярмаркаси 2007 йилдан бери ўтказиб келинади. Айтиш жоизки, мазкур кўргазма-ярмарка анъанавий ва замонавий амалий санъат соҳасидаги ижодий салоҳиятни юзага чиқариш, соҳадаги ўзгариш ва янгиликлардан кенг жамоатчиликни таништириш, ижодкор сулола ва қўлигул ҳунармандларни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Шунингдек, лойиҳа миллий амалий санъатнинг бугунги кундаги аҳволини ўрганиш, унинг йўқолаёзган турларини тиклаш ва ривожлантириш имконини ҳам беради. Ҳар йили баҳор ва куз ойларида ўтказиладиган кўргазма-ярмарка қатнашчиларини таниқли санъат арбоблари, уста-ҳунармандлардан иборат ҳакамлар ҳайъати аъзолари бир қатор номинациялар бўйича баҳолашади.

Кўргазмани айланар эканмиз, эътиборимизни биринчи бўлиб миллий қўғирчоқларимиз тортди. Бир-биридан чиройли қўғирчоқларни хоразмлик усталар, тўғрироғи, Хива ҳунармандчиликни ривожлантириш маркази раҳбари Рустам Курязовнинг шогирдлари ясаганини билиб олдик. Биз ундан марказ фаолияти ва кўргазма-ярмарка ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашдик.

- Маълумки, 1997 йили Президентимизнинг "Халқ амалий санъати ва бадиий ҳунармандчиликни ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Марказимиз ҳам худди шу йили очилди. Жами 15 та устахонамиз бор. Бу ерда нафақат миллий қўғирчоқлар, балки кулолчилик, дурадгорлик ва тўқимачилик буюмлари ҳам ишлаб чиқарилади. Кўриб турганингиздек, бугунги кўргазмага хоразмча телпаклар, жундан тўқилган пайпоқлар, миллий нақшлар билан безатилган шахмат доскаси, ёғочдан ишланган ёдгорлик буюмларини ҳам олиб келганмиз. Тўғриси, сўнгги йиллар ичида Хоразм воҳасида миллий ҳунармандчилик анча ривожланди, унутилаёзган амалий санъат турлари секин-аста тикланмоқда. Яқинда тарихий манбалар орқали Хоразмда атлас тўқилганидан хабар топдим. Ҳозир шогирдларим билан маҳаллий атлас турини яратиш устида иш олиб бораяпмиз.

- Очиғи, ўзимизнинг миллий қўғирчоқларимизга гап йўқ,- деди тадбир иштирокчиси Мадина Мирзаахмедова. - Устанинг ишларига беш кетдим. Улар манаман деган хориж қўғирчоқларидан ўтса ўтадики, сира қолишмайди. Фарзандларимиз ҳам миллий қўғирчоқларимизни севиб ўйнашади. Ўзим пойтахтдаги 324-мактабда болаларга меҳнат дарсидан сабоқ бераман. Болаларим миллий қўғирчоқ ясашни ўргатинг, дея ҳоли-жонимга қўйишмагани учун ҳам шу ерга келдим.

Кўргазманинг яна бир қатнашчиси эътиборимизни тортди. Қараб турсак, эндигина мактаб ёшига етган қизалоқ ҳамманинг кўз ўнгида худди катталардек зар ипларда дўппи тикаётган эди.

- Бу менинг қизим. Ўзим ҳам зардўзликни айни шу ёшда онамдан ўрганганман. Ҳозирда оилавий бизнес асосида мустақил равишда фаолият юритмоқдамиз. Ушбу кўргазмага зардўппи, зарчопон, чойнак қопқоқ, шиппак, этикча, ёстиқжилд, альбом каби зардўзлик маҳсулотларини олиб келдим. Шунингдек, бу ерда шахсий ғоям асосида тикилган нақшинкор безакли аёллар кўйлаги ҳам бор, - дейди бухоролик зардўз, "Ташаббус-2011" танловининг вилоят босқичида "Йилнинг энг фаол аёли" номинацияси ғолиби Сайёра Умарова.

Уч кун давом этган кўргазма-ярмаркада юртимизнинг турли бурчакларидан ташриф буюрган ҳунармандлар иштирок этишди. Биз улар билан яна суҳбатлашишни дилимизга тугиб қўйдик. Лойиҳа грантини қўлга киритган ҳунарманд ва ғолибларни кўргач, рости ғурурландик. Халқ амалий ҳунармандчилигининг ана шундай давомчилари борлигидан кўнглимиз тоғ қадар кўтарилди.

**Зафар МУҲАММАД,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**



● МИЛЛИЙ КИНО

## ЎЗБЕК КИНОСИ ЁШЛАР НИГОҲИДА

***Республика киночилар уйида жорий йилнинг 25 мартидан 25 апрелигача ўтадиган "Ўзбек киноси ёшлар нигоҳида" мавзусидаги кино ойлигининг очилиш маросими бўлди.***

"Ўзбеккино" миллий агентлиги ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда режиссёрлар, сценарийнавислар, кинотанқидчилар, санъатшунослар, ёзувчи ва шоирлар, санъат йўналишидаги олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ҳамда талаба-ёшлар иштирок этди.

Йиғилишда сўз олган "Ўзбеккино" миллий агентлиги бош директори Аъзам Исҳоқов ҳамда таниқли киношунос олимлар Наим Каримов, Ҳотам Файзиев, Ўлмас Алихўжаев ва Ҳафиз Абдусаматовлар бугунги кунда мамлакатимизда ёшлар маънавиятини янада юксалтиришнинг муҳим шарти сифатида ўзбек кино мактабининг ўзига хос анъаналари ва йўналишларини янада бойитиш, ижодкор ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлашди. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 16 мартда қабул қилинган "Кинематография соҳасини бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Тадбирда жорий йилда Франциянинг Везувль шаҳрида бўлиб ўтган XVII халқаро Осиё кинофестивалида Гран-при ҳамда Париж шарқ санъати музейининг Эмил Гуймет номидаги мукофоти ва Осиё киносини ривожлантириш халқаро тармоғи ҳайъатининг "Нетпас" совринини қўлга киритган "Илова" фильмининг муҳокамаси ва намойиши бўлиб ўтди.

Мазкур фильм ўзининг режиссураси пишиқ ишланганлиги, сценарийси халқчил ва содда усулда ёзилиб, ёшларни маънавий етукликка ундаши, халқимизнинг асрлар оша ривож топиб келаётган минг йиллик урф-одатлари, анъана ва маросимларини ўзида акс эттирганлиги билан кўпроқ аҳамиятга эга. Ўзбек кино санъатини юқори поғонага олиб чиқиш ва жаҳон халқлари орасида кенг тарқалишида муҳим ҳисса қўшган ушбу фильмда таниқли кино ижодкорлар Нозим Тўлахўжаев, Мирмақсуд Охунов, Азиза Бегматова ва Боир Холмирзаевлар маҳорат билан бош ролларни ижро этишган. Тадбир доирасида филология фанлари доктори, профессор Ўткир Шокировнинг "Ўзбек санъаткорлари" китобининг тақдимот маросими ўтказилди.

Бир ой давомида ўтказиладиган мазкур тадбирларда таниқли режиссёр Ёлқин Тўйчиевнинг "Илова", Мансур Абдухалиқовнинг "Ўргимчак тўри", Абдувоҳид Ғаниевнинг "Дада", Ориф Йўлдошевнинг "Уқубат", Мирмақсуд Охуновнинг "9 ой", Баҳодир Одиловнинг "Қарздор", Аюб Шахобиддиновнинг "Кечиккан ҳаёт" бадиий фильмларининг намойиши бўлиб ўтиши режалаштирилган. Ойлик давомида ёшлар мазкур кино картиналарни томоша қилиш баробарида уларнинг ижодкорлари билан суҳбатлашиш, кино яратилишидаги қизиқ жараёнлар ва мазмун-моҳияти теран таҳлил этилади.

Йиғилишда ёшларни турли ёт ва зарарли таъсирлардан ҳимоялашда кино санъатининг ўрни ва аҳамиятини янада ошириш, яратилаётган бадиий, ҳужжатли ва мультипликацион фильмларда миллий қадриятларимиз мазмун-моҳиятини теран акс эттириш, кинематографиянинг халқимиз маънавиятини юксалтиришдаги ўрни ва аҳамиятини кучайтиришга оид маърузалар тингланди.

**Азима ҚИЁСОВА**

# ЖАРАЁН

## ● ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

# КЕЛАЖАККА ЙЎНАЛТИРИЛГАН САРМОЯ



(Давоми. Боши 1-бетда)

Янги таълим стандартлари, дарсликлар, қўлланмалар яратилди ва илғор педагогик ва ахборот технологиялари, интерфаол усуллар татбиқ этилди. Буларнинг барчаси ёшларимиз маълум ихтисослик асосида таълим олиб, муайян касб-ҳунар эгаси бўлишига хизмат қилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 28 июлда қабул қилинган «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги «Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2006 йил 27 июлдаги «Умумтаълим мактаблари битирувчиларининг академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқишини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари умумтаълим мактаблари битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига тўлиқ қамраб олиш ҳамда коллеж битирувчиларини иш билан таъминлашда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказидан маълум қилишларича, юртимиздаги 1394 та замонавий касб-ҳунар коллежида бугун 1,5 миллиондан ортиқ ўғил-қиз таҳсил олиб, касб-ҳунар ўрганмоқда. Чекка қишлоқ ва овулларда ҳам ягона намунавий лойиҳа асосида бунёд этилган бундай билим масканларида ёшларимизнинг билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун барча шарт-шароит яратилган. Ёшларнинг касб танлашига ёрдам бериш мақсадида тузилган Касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика ташхис маркази ўқувчиларнинг интилишлари, қобилияти ва имкониятларини ўрганиб, зарур маслаҳатлар бермоқда.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, биз юртимизнинг эртанги ривожи йўлида қандай чуқур ўйланган дастурларни тузмайлик, бу режаларни бажариш учун қандай моддий база ва имкониятларни яратмайлик, бунинг учун қанча кўп сармоя сафарбар этмайлик, уларнинг барчасини амалга оширадиган, рўёбга чиқарадиган қудратли бир омил борки, у ҳам бўлса, юқори малакали ишчи кучи ва юртимизнинг эртанги куни, тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшларимиздир.

Юртимизда бу масалани ҳал этишга кадрларни тайёрлаш сифати ва меҳнат бозорини чуқур ўрганиш асосида ёндашилаётгани юксак самаралар бераётир. Шу мақсадда қабул қилинган 2006-2010 йилларда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларини сифатли тайёрлаш ва меҳнатидан фойдаланиш бўйича ҳудудий дастурлар барча коллеж ва лицейларда изчил амалга оширилмоқда.

Мазкур дастурларда имкониятга қараб битирувчилар меҳнатидан фойдаланишни таъминлаш, бюджетдан ташқари бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағларини жалб этган ҳолда янги иш ўринларини ташкил этиш, ҳудудлардаги касб-ҳунар таълимини маҳаллий меҳнат бозори эҳтиёжини ҳисобга олиб ривожлантириш, меҳнат бозорида талаб ва таклифнинг реал аҳволини ҳудудий даражада аниқлаш, иш берувчи нуқтаи назаридан касб-ҳунар коллежлари фаолият юритишининг тезкор мониторинги механизмини яратиш кўзда тутилган.

Бу борадаги аниқ мақсад-вазифалар Президентимизнинг 2008 йил 1 апрелдаги реал иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқлари талабларига жавоб берадиган малакали кадрларни тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирларига оид фармойиши асосида белгиланди.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказидан олинган маълумотларга қараганда, иқтисодиёт тармоқларидаги таркибий ўзгаришлар, уларнинг кичик мутахассис кадрларга бўлган талабидан келиб чиқиб, хизмат кўрсатиш, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, коммунал хўжалиги, кичик ҳамда хусусий бизнес соҳалари ривожланишининг истиқболлари ҳисобга олиниб, 2010-2011 ўқув йилида 122 касб-ҳунар коллежида 80 та янги мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. 20 та коллежнинг ихтисослиги ўзгартирилган. Шу билан бирга, 57 та коллежда меҳнат бозори эҳтиёжлари таъминланганини инобатга олиниб, 38 мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлаш тўхтатилган. Мисол учун, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасини ташкил этиш доирасида мақсадли кадрлар тайёрлаш учун Навоий вилоятидаги 5 та касб-ҳунар коллежида мутахассисларни тайёрлаш йўналишлари қайта ихтисослаштирилган. Ўқувчиларнинг амалиётларини ташкил этиш асносида коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича тегишли корхона ва ташкилотлар билан шартномалар имзолаш йўлга қўйилган.

Амалдаги таълим йўналишлари ўрта махсус, касб-ҳунар таълими мутахассисликлари ва касбларининг классификатори 251 касб ва 600 дан ортиқ ихтисосликни ўз ичига олади. Мамлакатимизда ҳозирги кунда 217 та касб бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Жорий йилда юртимиздаги касб-ҳунар коллежларини 450 мингдан ортиқ ўқувчи тамомлайди. Ўқувчиларнинг ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётини турли корхона ва ташкилотларда ташкил этиш асосида малакали кадрлар тайёрлаш ва уларни иш билан таъминлашнинг самарали тизими яратилган.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказидан олинган маълумотларга кўра, коллежларга оид давлат таълим стандартлари бўйича ишлаб чиқариш ва дипломолди амалиётини ўташ учун 648 соат ажратилган. Бу – ўқувчи 3-босқичдан бошлаб ўн ҳафта вақтини бевосита амалиёт жойида ўтказиши лозим дегани. Бундан кўзланган мақсад таълим тизимини иқтисодиёт тармоқлари билан мутаносиб тарзда ривожлантириш, ёшларни аниқ касб-ҳунарга йўналтириш ҳамда битирувчиларни ўз касби бўйича ишга жойлаштиришдан иборатдир.

Бунинг натижасида ҳозиргача 950 та касб-ҳунар коллежи иш берувчи корхона ва ташкилотларга бириктирилиб, улар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик шартномалари тузилган. Мисол учун, кимё саноати соҳаси учун кадрлар тайёрлашга ихтисослаштирилган 26 касб-ҳунар коллежи «Ўзкимёсаноат» компанияси билан ҳамкорликда «Қўнғирот сода заводи», «Навоийазот», «Аммафос-Максам», «Фарғонаазот» сингари 11 та йирик корхонага бириктирилди. Бу мамлакатимиз кимё саноати корхона ва ташкилотларида 3322 нафар коллеж ўқувчисига ўқув ва дипломолди амалиётини ўташ ҳамда ишга жойлашиш имконини беради.

«Ўзбектуризм» компанияси билан ҳамкорликда компания тасарруфидаги ташкилотларга бириктирилган 20 та коллежнинг 6,5 мингдан ортиқ ўқувчиси ҳам ана шундай амалиётга жалб этилган.

– Ўқувчилар амалиётини сифатли ташкил этиш ва уларни келажакда иш билан таъминлаш мақсадида олтмишдан ортиқ корхона ва ташкилот билан фаолият олиб боряпмиз, – дейди Урганч туризм ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи директори Ўктам Йўлдошев. – Вилоятимиз тарихий обидаларга бой, сайёҳларнинг оёғи узилмайди. Шу боис коллежимизда ўқитилаётган туризм, меҳмонхона, ресторан хизматлари, меҳмонхона хўжалиги ва ресторан бизнеси, халқаро бизнес каби йўналишлар бўйича касб эгаллаётган ёш кадрларга талаб катта. Ўтган ўқув йилида коллежимизни тамомлаган 332 нафар ўғил-қиз ҳозир ўз йўналишлари бўйича ишламоқда. Бу йилги 288 нафар битирувчини иш билан таъминлаш мақсадида элликдан ортиқ ташкилот билан шартномалар тузганмиз.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ишлар самарасида 2010 йилда касб-ҳунар коллежларини битирган 400 мингдан ортиқ ўғил-қизнинг 320 минг нафардан кўпроғи ишга жойлашди. Бу 2009 йилдагига нисбатан бандлиги таъминланган битирувчиларнинг 27 минг нафарга кўпайганидан далолатдир.

– 2010 йил коллежни битириб, ўзим амалиёт ўтаган корхонага ишга кирдим, – дейди Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги трикотаж маҳсулотларини тайёрлашга ихтисослашган “Ал-Ҳаким” хусусий корхонасида фаолият олиб бораётган Сапура Мирзаева. – Амалиёт даврида етарли кўникма олганим боис иш жараёни осон кечмоқда.

Касб-ҳунар коллежларини битирган ёшларни тадбиркорлик соҳасига жалб қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлашдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 28 июлда қабул қилинган «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижроси доирасида ўтган даврда 50 мингга яқин йигит-қиз микрофирмалар ва кичик корхоналарга ишга жойлашди.

Коллеж битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини бошлаши ва ўз бизнесини ташкил этиши учун “Микрокредитбанк” томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитлар миқдори 2010 йилда 3,1 миллиард сўмдан ошди. Бундай имтиёз ва имкониятдан фойдаланган мингдан ортиқ битирувчи бизнес-режа асосида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди.

– “Микрокредитбанк” ходимлари бизнес-режамни кўриб чиқиб, менга 4,5 миллион сўмлик имтиёзли кредит берди, – дейди Жиззах вилояти Янгиобод туманидаги агроиқтисодиёт коллежи битирувчиси Дилдора Усмоналиева. – Ушбу кредит ҳисобидан миллий либослар тикадиган мини цех очиш ҳаракатидаман. Чунки туманимизда бунга эҳтиёж бор. Энг асосийси, бир қанча тенгқурларим иш билан таъминланади.

Юртбошимиз томонидан жорий йилнинг Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили, деб эълон қилиниши бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилаётир.

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури асосида 2011 йилда тижорат банклари томонидан 7 мингдан ортиқ коллеж битирувчисига 21,5 миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар берилиши кўзда тутилган.

Мамлакатимиз таълим соҳасида амалга оширилаётган барча саъй-ҳаракатлар етук кадрлар тайёрлаш, ўз иқтидори ва истеъдодини тўла-тўкис намоён эта оладиган, ҳаётда ўз ўрнини топишга қодир баркамол шахсларни вояга етказишга йўналтирилган. Зеро, бугун ўз самараларини бераётган бундай эзу ишлар келажакда мамлакатимизнинг юксак тараққиётини, ҳаётимиз фаровонлигини янада оширишни таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

**Гулбаҳор УМРЗОҚОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ● СОҒЛИК-БОЙЛИК



# ТИББИЙ МАДАНИЯТ

### УНИНГ ЮКСАЛИШИДА ОИЛАВИЙ ПОЛИКЛИНИКАЛАРНИНГ ХИЗМАТИ БЕҚИЁС БЎЛМОҚДА

***Президентимизнинг «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора ва тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарори жойларда ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.***

Оилавий поликлиникаларда мунтазам саломатлик ҳафталиги ўтказилади. Жумладан, Шайхонтоҳур туман 42-оилавий поликлиникасида ҳам она ва бола саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозир жамоа ушбу тумандаги 5 та маҳалланинг 22093 нафар аҳолисига тиббий хизмат кўрсатаяпти.

— Тиббий жамоамиз томонидан ҳар ойда саломатлик ҳафталиги уюштирилади, ёш ота-оналарни тиббий кўрикдан ўтказамиз, аниқланган касалликлар бўйича ўз вақтида, тўғри даволаш чораларини кўрамиз,- дейди поликлиниканинг умумий амалиёт шифокори Зарифа Ҳақназарова. — Айтиш жоизки, бу текширувларнинг фойдаси ниҳоятда катта бўлмоқда. Чунки, тиббий кўрик жараёнида беморнинг ўзига маълум бўлмаган касалликлари аниқланмоқда. Улар зудлик билан шаҳар диагностика марказига юборилиб, мутахассислар томонидан сифатли муолажа олиши таъминланмоқда. Шунингдек, маҳаллаларда соғломлаштириш ҳафталиги уюштирилмоқда: УЗД, ЭКГ каби ташхис қурилмалари маҳаллаларга олиб борилиб, аҳоли ўша ернинг ўзида тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Яқинда 6 ёшдан 30 ёшгача бўлган аҳоли қизамиққа қарши эмланди.

Оилавий поликлиника шифокорларининг муҳим вазифаларидан яна бири янги туғилган чақалоқларга алоҳида эътибор беришдан иборат. Масалан, 15-марказда ўтган йили дунёга келган 22 нафар чақалоқнинг саломатлиги умумий амалиёт шифокори Наргиза Салимовага юклатилган.

— Ўтган йили туғилган чақалоқлар тиббий кўрикдан ўтказилиб, керакли муолажаларни олишди,- дейди Н.Салимова. — Янги туғилган чақалоқларни уйга келиши биланоқ бориб кўрамиз, саломатлигини текширамиз. Она ва чақалоқ чилла даври ҳамда бир ёшига қадар ҳар ҳафтада назорат қилиб турилади. Бундан ташқари ҳудудда 6 ёшгача бўлган 64 нафар ва 3 та имконияти чекланган бола бор. Уларнинг саломатлиги доимо назорат қилинади, керак бўлса, ташхис қурилмаларини уйларига олиб бориб тиббий кўрикдан ўтказамиз. Бемор болаларни ҳатто ишдан қайтаётганимда ҳам кўриб кетишга ҳаракат қиламан.

— Яқинда поликлиникамизда ўсмир болалар кўрикдан ўтказилди,- дейди болалар бўлимининг олий тоифали ҳамшираси Зиёда Казакова. — Уларни нафақат соғлиги текширилди, балки келажакда соғлом ота ва она бўлиш учун шахсий гигиенага риоя этиш муҳимлиги ҳақида кенг ва батафсил тушунтиришлар берилди. Келажакда соғлом оила қуриш, соғлом фарзанд кўриш учун бола ёшлигидан соғлом ҳаёт кечириши, тозалик ва озодаликка риоя этиши уқтирилди.

Поликлиникада 54 йилдан буён хизмат қилиб келаётган олий тоифали ҳамшира Маҳфуза Ҳусанованинг айтишича, бу ердаги аҳоли бир йилда икки маротаба рўйхатдан ўтказилади. Ҳамширага қарашли Лабзак маҳалласида 2994 нафар аҳоли бўлиб, 833 нафари фертил(туғиш) ёшидаги оналар, 591 нафарини болалар ташкил этади.

Ҳозирги кунда айниқса, ҳомиладор аёлларга алоҳида аҳамият берилмоқда. Олий тоифали гинеколог шифокор Азиза Холиқулованинг таъкидлашича, ҳомиладорларнинг барчаси скрининг марказларида тиббий кўрикдан ўтказилиб, ҳомиланинг илк давридаёқ нуқсонлар бор-йўқлиги аниқланмоқда. Малакали мутахассислар аёлларнинг ҳомиладорлик даври асоратсиз ўтиши учун керакли муолажаларни қилишмоқда. Оиладаги тиббий маданият ҳақида ота-она, қайнона-келинлар орасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Оиладаги тиббий маданият анча юксалгани боис, айни пайтда болаларни шифохоналарга оғир аҳволда олиб бориш ҳолатлари анча камайган. Айтиш жоизки, бу жараёнда оилавий поликлиникаларнинг ўрни ва хизмати беқиёс.

**Маҳфуза ТОҲИР,**
**«Milliy tiklanish» мухбири**

## ● САХОВАТ

# МУРУВВАТ УЙИ

### САВОБЛИ ВА ЭЗГУ ИШЛАРГА БОШ ҚЎШАЁТИР

Самарқанд вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига қарашли Ургут туман мурувват уйида руҳий асаб касаллигига чалинган беморлар даволанишади. Айни пайтда 450 ўринга мўлжалланган мурувват уйида 410 нафар 1- ва 2-гуруҳ ногиронлари давлат муҳофазасида. Бу ерда 190 нафар ишчи-ходим ишлайди. Шундан 5 нафари шифокор, 35 нафари ўрта тиббиёт ходимлари. Жамоа аъзолари мурувват уйининг моддий-техник базасини янгилаш, уни мустаҳкамлаш мақсадида 100 минг сўмдан ҳомийлик ёрдами кўрсатиш ташаббуси билан чиқдилар. Бошланган хайрли ишни бутун жамоа қўллаб-қувватлади.

- Савобли ва эзгу юмушларга бош қўшиш, кўнгилдан чиқариб ҳиммат кўрсатиш хайрли ташаббусларга уланиб кетди, - дейди мурувват уйи директори Неъмат Худойқулов. – Мамлакатимизда бошланган умумхалқ ҳашаридан сўнг мурувват уйининг ходимлари бу ойни ўзлари учун ободончилик ойлиги деб қабул қилишди. Шу мақсадда ҳар бир ходим 4 тупдан мевали ва манзарали дарахт экишга киришиб кетди. Натижада 4 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди, тозалик ва ободончилик ишлари бажарилди. Жамоанинг хайрли ишлари кўпчиликка ибрат бўлди, шекилли, вилоят ҳокимлиги тавсияси билан бу ерга яна 500 туп мевали ва 200 туп терак кўчатлари экилди. Бу ҳудуднинг кўрку тароватини янада очди. Ҳар йили ҳудудда етиштирилаётган ўрик, олма, беҳи, гилос, тут ва узумлар шу ерда яшаётганларга тортиқ этилмоқда.

- Ҳомийларимизнинг кўрсатаётган беминнат хизматларидан мамнунмиз, - дейди мурувват уйи директорининг тиббий ишлар бўйича ўринбосари Абдулла Абиев. – Бу борада Ургут туман ҳокими Ҳиммат Оқбўтаев ва Ургут шаҳар Чувин масжиди имом-хатиби Шодиқул Ҳақбердиевнинг беминнат хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки, улар бу ерга тез-тез келиб, шарт-шароитларимиздан доимо хабардор бўлиб туришади. Бундан ташқари, “Соғлом авлод”, “Раҳмдиллик” хайрия жамғармаларининг вилоят бўлими, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан ҳам беғараз ёрдамлар кўрсатиб келинмоқда. Жорий йил бошидан 35 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилди.

Халқимиз ариштали жойда қут-барака бўлади, дейди. Ушбу масканни айланиб, чор-атрофнинг саранжом-саришталиги, ободонлаштирилганини кўриб баҳри дилингиз очилади. Ҳаммасини ўз кўзимиз билан кўргач, бу масканда қалби меҳр-муруvватга лиммо-лим инсонлар меҳнат қилаётганига яна бир карра амин бўлдик.

**Ориф ХОЛИҚУЛОВ,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

## ● СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА

# ДЕКЛАРАЦИЯ ТЎЛДИРИШГА ШОШИЛИНГ!

Солиқ кодексининг 187-моддасига асосан солиқ агентлари солиқ даври тугаганидан сўнг 30 кун ичида давлат солиқ хизмати идораларига даромад қилган жисмоний шахслар тўғрисида (асосий иш жойи бўйича даромадлар олган жисмоний шахслар бундан мустасно) белгиланган шаклда маълумотнома тақдим этиши шарт.

Жисмоний шахслар асосий бўлмаган иш жойидан (мулкий даромад, икки ёки ундан ортиқ манбалардан, шунингдек, республика ҳудудидан ташқаридаги манбалардан) олган йиллик даромади бўйича декларацияни доимий яшаш жойидаги давлат солиқ идорасига жорий йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай тақдим этишлари лозим. Бунда ўзингиз билан паспорт ва асосий иш жойингиздан 2010 йил учун олинган ойлик маош ва ушланган солиқ ҳақида маълумотнома, агар 2010 йил мобайнида ишламаган бўлсангиз, меҳнат дафтарчаси ёки маҳалла қўмитасидан маълумотнома олиб келиш шарт.

Мол-мулкини ижарага беришдан даромад олаётган жисмоний шахслар эса дастлабки декларацияни бундай даромадлар юзага келган кундан эътиборан бир ой ўтгач, беш кунлик муддатда, якуний декларацияни ўтган солиқ давридан кейинги йилнинг 15 январига қадар топширади. Мол-мулкни ижарага беришдан даромад олиш тугаган тақдирда жисмоний шахс доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор этади.

Агар даромадлар тўғрисидаги декларация тақдим этилмаган бўлса, давлат солиқ идораси ўзида мавжуд маълумотлар асосида солиқ суммасини энг юқори ставкаси бўйича ҳисоблаб, солиқ тўловчига билдиришнома топширишга ҳақли. Жами йиллик даромади тўғрисида декларация тақдим этилса, солиқнинг якуний суммасини аниқлашда ушбу маълумотлар ҳисобга олинади. Бу миқдор ўтган солиқ давридан кейинги йилнинг 1 июнидан кечиктирмай тўланиши зарур.

Мол-мулкни ижарага беришдан даромадлар оладиган жисмоний шахслар эса дастлабки декларация асосида ҳар ойда кейинги ойнинг бешинчи кунигача тўлайди. Йил тугагач, жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинадиган солиқнинг йиллик суммаси ҳақиқатда олинган даромад бўйича ҳисоблаб чиқарилади. Бу сумма билан йил мобайнида тўланган суммалар ўртасидаги фарқ келгуси йилнинг 15 мартигача солиқ тўловчидан ундирилиши ёки унга қайтарилиши керак.

**Фарида НУРХОНОВА,**
**Тошкент шаҳри**
**Ҳамза тумани**
**ДСИ шўъба бошлиғи**

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

**БУГУННИНГ ШАРҲИ**

## СУВ – ЭНГ ОЛИЙ НЕЪМАТ

### ДУНЁ УММОНИДАГИ АТИГИ 2 ФОИЗ СУВ МИҚДОРИ ИЧИШГА ЯРОҚЛИ



***Ер юзини сувсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Инсоният пайдо бўлибдики, сув муносиб ҳаёт кечириш ва инсониятни ривожлантиришнинг асосий манбаидир. Қадим-қадимдан аждодларимиз бир томчи сув ҳам сув дея уни эъзозлаган, исрофгарчиликка йўл қўймасликка даъват этиб келишган. Бугунги кунга келиб эса сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш халқаро миқёсда глобал муаммога айланди. Дунёда чучук сув ишлатиш ҳажмининг йилдан-йилга ортиб бориши оқибатида сув танқислиги келиб чиқаётганлиги инсониятни ташвишлантираётган энг катта муаммолардан биридир.***

### ЗАХИРА МАНБАЛАРИ

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра ҳар йили ер юзида 1,6 млн. одам тоза ичимлик суви истеъмол қилмаслиги натижасида ва бунга имконият йўқлигидан ҳаётдан кўз юмар экан, уларнинг 90% га яқинини 5 ёшгача бўлган болалар ташкил қилиши ҳамда бу ҳолат айнан ривожланаётган давлатлар ҳудудида юз бераётгани ачинарли ҳолдир. Шу сабабли ичимлик суви муаммосига эътибор қаратиш учун 2003 йил БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Халқаро ичимлик суви йили деб эълон қилинди.

Маълумки, бугунги кунда ер юзидаги ҳар ўнта инсондан тўртинчиси ичимлик суви танқис бўлган ҳудудда яшамоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Муннинг берган маълумотига кўра, бугунги кунда ичимлик суви етишмовчилигидан жаҳоннинг 43 мамлакатидаги 700 млн. аҳоли азият чекмоқда. 2025 йилга келиб бу кўрсаткичнинг 3 млрд.дан ортиши кутилмоқда. Рақамларга аҳамият берадиган бўлсак, 1991-2000 йиллар оралиғида дунё бўйича 665 000 дан ортиқ инсон табиий камбағалликдан вафот этган бўлиб, ана шулардан 90 фоизи ичимлик суви етишмовчилиги билан боғлиқдир. Яна бир рақамга диққатимизни қаратадиган бўлсак, ҳар йили дунёнинг 1,2 млрд. аҳолиси тоза сифатли ичимлик сувидан фойдалана олиш имкониятига эга эмасликдан азият чекса, 3 млн.дан ортиқ инсон эса ичимлик суви таркибида мавжуд касалликлар натижасида вафот этмоқда. Ҳавонинг глобал даражада исиши натижасида 2080 йилга келиб, ер шарида қарийб 3,2 млрд.га яқин инсон ичимлик суви етишмовчилиги муаммосига тўқнаш келади. Ичимлик суви тақчиллиги муаммосига ўтган асрнинг 90-йиллариданоқ бир қатор давлатлар жумладан, Жазоир, Жибути, Қатар, Саудия Арабистони, Тунис, Яман, Бирлашган Араб Амирлиги каби давлатларда дуч келинган бўлса, 20 йилдан сўнг бундай аҳволга Миср, Эрон, Ливия, Марокаш, Уммон ва Сурия давлатлари дуч келади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ўтган асрнинг 90-йилларида жаҳонда саноқли давлатлардагина сув етишмовчилиги сезилган бўлса, 2005 йилга келиб бу рақам 30 тага етган. Айни пайтда уларнинг сони яна 15 тага ортгани қайд этилмоқда. Бундан 10-15 йил илгари дунё бўйича тоза сув захираси умумий сув миқдорининг 2,3 фоизини ташкил этган бўлса, эндиликда сувнинг атиги 2 фоизга яқин қисмигина ичишга яроқли ҳисобланади. Ўз навбатида сув танқислигидан қийналаётган аҳоли сони ҳам пропорционал равишда ортиб бормоқда. Асримизнинг бошларида 1 миллиардга яқин аҳоли ичимлик суви етишмовчилигидан қийналган бўлса, бугунга келиб уларнинг сони 1,2 миллиард нафар кишидан ошиб кетди.

Сув муаммоси йилдан-йилга глобаллашиб бораяпти. Жаҳон футурологларининг айтишларича, ичимлик суви заҳиралари бошқа табиий ёнилғи заҳираларидан ҳам аввалроқ тугаб қолиши мумкин экан. Митти сайёрамиздаги барча сув заҳираларининг камайиб, ифлосланиб, сифати ёмонлашиб, истеъмолга яроқсиз бўлиб бориши инсоният ҳаётини катта хавф остига қўйиш билан бирга дунё иқтисодиёти ва ижтимоий салоҳиятининг ҳам пасайишига олиб келиши мумкин. Дунё аҳлини сувни тежаб-тергаб ишлатишга, беҳуда исроф бўлишига йўл қўймасликка, унга хушёррок, сергакроқ муносабатда бўлишга даъват этиш борасида қатор ишлар қилинмоқда. Чунки сув танқислиги муаммоси йилдан-йилга минтақадан минтақага кенгайиб, жаҳоннинг кўпгина ҳудудларини қамраб олмоқда.

Сув заҳираларининг чеклангани халқимизга қадимдан маълум. Шунинг учун ҳам сув илоҳийлаштирилган. Хусусан, «Авесто»да сувнинг тозалигини таъминлаш, унинг инсон ҳаётидаги аҳамиятига жиддий эътибор берилган: «Эй, сувлар! Сизлар яхшилик билан равонасиз, хилқатни ювиб пок этасиз ва икки жаҳон саодатига сазоворсиз». Сувни муқаддас билиб, уни қадрлашга даъват этиш биз учун бобомерос қадрият. Халқимизнинг бой маънавияти бизнинг экологик маданиятимизни ошириб, ўзимизни, келгуси авлодларимизни сув танқислиги, турли экологик офатлардан асровчи оятдек муқаддасдир. Давлатимизнинг сув манбаларини муҳофаза этиш ва унинг сероблигини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари фаровон ва тўкис ҳаёт учун эътибор ва ғамхўрлик ифодасидир. Юртимизда сувни асраб-авайлаш, қатрасини ҳам қадрлаш, унинг манбаларини муҳофаза қилиш борасидаги қабул қилинган қонун ва қарорлар соҳани ривожлантириш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар орасида биринчилардан бўлиб «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида», «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Қонунлари ва Вазирлар Маҳкамасининг «Сувдан чекланган миқдорда фойдаланиш тўғрисида»ги Қарори ва бошқа ўндан зиёд қарорлари шулар жумласидандир.

### 2008 ЙИЛ 12 ИЮНДА...

Аҳолини тоза, сифатли, халқаро санитар талабларига жавоб берадиган ичимлик суви билан таъминлаш масаласи бугун ҳам долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги қонунида давлат идоралари, мулкчилик шаклларидан қатъий назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар марказлаштирилган тизимлар орқали етказиб бериладиган сувнинг сифати гигиена талабларига ва давлат стандартларига мос бўлишини таъминлашлари шартлиги белгиланган.

Айниқса, қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ масалаларни тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунга келиб мамлакатимизда хусусан, қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашни молиялаштириш масалалари республика ва маҳаллий бюджетлардан белгиланган тартибда ажратиладиган маблағлар билан бир қаторда, Осиё Тараққиёт банки ва бошқа қатор халқаро молиявий ташкилотлар томонидан имтиёзли кредитлар ажратиш йўли билан амалга оширилмоқда.

Қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашга қаратилган ҳужжатлар тизимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 12 июнда қабул қилинган «Қишлоқ туманлари ва шаҳарлари аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш ва табиий газдан тежамли фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори алоҳида аҳамиятга эгадир. Мазкур қарор республика қишлоқ туманлари ва шаҳарлари аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш, мазкур соҳалардаги лойиҳаларни амалга ошириш учун халқаро молия институтлари ва донор мамлакатларнинг имтиёзли кредитларини жалб этишни назарда тутади. Бундан ташқари "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида ҳам қишлоқ аҳолисини тоза ичимлмк суви билан таъминлашга оид қатор чора-тадбирлар белгилаб берилган эди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, дунё миқёсида сув танқислиги муаммоси авж олган айни пайтда ҳар бир инсон унинг хавфини теран англаган ҳолда ҳаракат қилмоғи лозим. Халқимизда «бор жойда бол арзон, йўқ жойда сув қиммат», деган доно нақл бор. Шундай экан, биз инсонлардан талаб қилинадигани оддий – мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, сувнинг ҳар томчисини олтинга тенг кўриб, асраб-авайлаш, тежаб-тергаб фойдаланишдир. Зеро, инсоният мувозанати ва саломатлигида сувнинг аҳамияти чексиздир.

### БИР ПИЁЛА ҚАҲВА УЧУН 140 ЛИТР СУВ!

- Ер шарининг 71 фоиз қисми сув билан қопланган бўлса-да, чучук сув умумий сув миқдорининг 2 фоизини ташкил этади.
- Бугунги кунда жаҳоннинг катта-кичик 40 та давлати сув етишмовчилигини бошидан кечирмоқда.
- Ер юзидаги 6 миллиард аҳолининг 1,2 миллиард нафари тоза ичимлик сувига муҳтож. 2,3 миллиард нафари эса антисанитария ҳолатидаги сувдан фойдаланмоқда.
- Дунё аҳолисининг ҳар 10 тасидан 4 таси тоза ичимлик суви етишмайдиган ҳудудда яшайди.
- Африка аҳолиси чучук сувни топиш учун бир кунда ўртача 5 соат вақт сарфлайди.
- Глобал сув муаммолари масалалари билан шуғулланувчи нуфузли халқаро ташкилотлардан бири - Жаҳон Сув кенгашидир. Мазкур муассаса 1996 йил 14 июнда Франциянинг Марсель шаҳрида сув муаммолари бўйича таниқли мутахассислар гуруҳи ва бир қатор халқаро ташкилотлар ташаббуси билан жаҳон ҳамжамиятининг глобал сув муаммолари борасида ўсиб бораётган хавотирларига жавобан ташкил топди.
- Ҳар кун эрталаб ичиладиган бир пиёла қаҳванинг тайёрланиши учун аслида 140 литр сув керак бўлади. Битта гамбургер учун эса 2400 литр сув сарфланади...
- Ҳозирда мамлакатимизда 77 та чучук ерости ичимлик сув манбалари мавжуд ва уларнинг умумий заҳираси 57,6 млн. метр/кубни ташкил этади. Ушбу чучук сув заҳираларини муҳофазалаш борасида давлат сиёсати даражасида амалий ишлар йўлга қўйилган.

**Муҳтарама КОМИЛОВА,**
**Акбар ЖИЯНОВ**

# ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

## Эски заводлар

**Ямандаги заводда кучли портлаш содир бўлган.**



Мамлакат пойтахти Санода юз берган ҳалокат оқибатида 100 нафардан ортиқ одам ҳаётдан кўз юмган. Тарқатилган маълумотларга кўра, бунга заводда юз берган ёнғин сабаб бўлган. Мутахассисларнинг сўзларига қараганда, айни пайтда мамлакатда ўндан ортиқ замон талабларига жавоб бермайдиган, ҳали-ҳануз эски асбоб-ускуналарда ишлайдиган завод ва корхоналар мавжуд.

## Қўшимча солиқ

**Буюк Британияда тезпишар таомлар – фастфуд билан савдо қилувчи ресторан ва қаҳвахоналарга қўшимча солиқ тўлаш тизими жорий қилинди.**

Бунга аҳолининг аксарият қисми севиб тановул қиладиган мазкур «қуруқ таомлар» инсон саломатлигига салбий таъсир қилиб, юракнинг ёғ босиши оқибатида юзага келувчи хасталикларга сабаб бўлган. Ушбу солиқлардан тушган маблағ эса болалар ўртасида семириш касаллигининг олдини олишга сарфланади. Маълумотларга қараганда, сўнгги ўн йилда болалар ўртасида ёғ босиш оқибатида юзага келувчи хасталиклар 3 баробар ошган.

## Касаллик ўчоғи

**Ғарбий Африка мамлакатларида 2010 йилда менингит касаллиги оқибатида ҳаётдан кўз юмганлар сони икки мингга етган.**



Менингит билан асосан болалар ва ўттиз ёшгача бўлган одамлар хасталанмоқда. Шифокорларнинг сўзларига кўра, орқа мия пардасининг яллиғланиши туфайли юзага келадиган мазкур хавфли хасталик билан қарийб 20 минг нафар киши зарарланган. Нигерия, Нигер, Буркина-Фасо ҳамда Мали каби мамлакатлар касаллик ўчоғига айланган.

## Ишдан маҳрум ишчилар

**Зимбабве Марказий банки икки мингга яқин иш ўрнини қисқартирган.**



"Вести" хабарича, бунга ташкилотнинг молиявий аҳволи ёмонлашгани сабаб бўлди. Маълумотларга кўра, мазкур чора йилига 70 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағни тежаш имконини беради. Расмийларнинг сўзларига қараганда, иш ўрнидан маҳрум бўлган ходимларга ёрдам пули ажратилган.

*Хорижий ОАВ хабарлари асосида тайёрланди*

**РАНГИН ДУНЁ**

## ХИТОЙНИНГ ХАЛҚ БАЙРАМЛАРИ

### УЛАР АФСОНА ВА РИВОЯТЛАРГА БОЙ

***Ҳар бир халқнинг ўз тарихи, қадрияти ва ўзига хос анъаналари бор. Масалан, Хитойда жуда узоқ асрлардан то ҳанузгача нишонланиб келинадиган байрамлар талайгина. Аммо, хитойликлар учун энг қадрли байрам Чжунцю — тунги қуёш кунидир. Бу байрам ҳар бир хонадон ва инсон қалбига чуқур ҳис-ҳаяжон, руҳий кўтаринкилик бағишлайди.***



Хитойликларнинг «Ой куни» байрами икки минг йиллик тарихга эга бўлиб, ҳар йили саккизинчи ойнинг ўн бешинчи кунида нишонлаб келинади. Бу куни ҳар бир киши ой кулчасидан тотиб кўриб, тунги ёруғликдан баҳра олишни ўзининг бурчи деб билади. Хитой халқининг ҳар бир байрами каби бу маросим ҳам миллий қаҳрамон —афсонавий аждаҳосиз ўтмайди. Афсоналарга кўра, қачонлардир аждаҳо ёруғликни ютмоқчи бўлган. Аммо, қадимги бир қабила сардори ҳар бир кишига, ҳатто болаларга ҳам фонар тарқатишни буюради. Шунда ер юзига минглаб лиПиллаб турган ёруғлик тарқалади. Аждаҳо эса қай бирини аввал ейишни билмай жон таслим қилган. Мана шундан буён хитойликлар орасида уй ва кўчаларда фонар осиш урфга кирган. Айтгандек, Чжунцю байрамида Буюк Хитой девори ҳам ранг-баранг фонарлар билан безатилади.

### ЁШЛИК ЭЛЕКСИРИ

Яна бир қадимги афсонада айтилишича, бу байрам қадимги халқ қаҳрамони Хоу ва унинг гўзал маликаси Чанъэ билан рўй берган воқеа сабаб нишонлана бошланган.

Айтилишича, қачонлардир осмонда ўнта қуёш пайдо бўлган экан. Шундан сўнг ер юзида қурғоқчилик ва сувсизлик ҳукм сура бошлайди. Хоу камонидан ўқ отиб тўққизта қуёшни парча-парча қилади. Қолган биттасига эса вақти-вақти билан кўринишни ҳамда масофада туришни буюради. Орадан йиллар ўтиб, Хоу бир қанча шогирдлар етиштиради. Улар орасида Пэнмэн исмли кимса ҳам бор эди. Бир куни Хоу Куньлунь қоясига бориб, осмон ҳукмдори Сиванма билан учрашади. Сиванма эса Хоуга умргузаронлик қилиши учун мўъжизакор элексир ҳадя қилади. Аммо, Хоу маликани қаттиқ севгани боис, ундан кейин яшашни хоҳламайди ва элексир солинган идишни рафиқасига бериб, бирор жойга яшириб қўйишини айтади. Пэнмэн бу гапдан хабар топгач Чанъэга қилич кўтариб элексирни унга беришни сўрайди. Малика ожизлигини тушунгач, элексирни ўзи ичишга қарор қилади. Шунда Чанъэ қушдек енгил бўлиб, осмонга учиб кетади ва ўша ерда абадий ҳаёт кечиради. Воқеадан хабар топган Хоу кечаю кундуз гўзал рафиқасини осмондан чорлаб, тунларни бедор ўтказади. У маликанинг севимли боғида дастурхон ёзиб Чанъэни олиб кетган ой учун қурбонлик қилиб туради. Шушу куз ойида одамлар бахт ва саодат рамзи бўлмиш Ойдаги гўзал Чанъэга дастурхон тузаб, ой кулча ва ширинликлар пишириш бутун мамлакат бўйлаб одат тусига кира бошлайди.

### ҚУЁН ПАНЖАСИ

Хитой халқи бу байрамда яна бир афсонавий қаҳрамонни ёдга олади. Ривоятларда айтилишича, қадимда шу кун қуёнлар қурбонлик қилинган. Ўшанда одамлар қуённинг орқа оёғидан турли касалликларни даволашда фойдаланиб келишган. Шунингдек, байрам дастурхонидаги таомдан кимга ана шу суяк бўлаги чиқса, омад унга ҳамиша ҳамроҳ бўлади, деб ҳисобланган. Бундан ташқари, хитойликлар сеҳрли дарахт ёнида ўтирган қуён сурати чизилган жадвални ёқиб юбориш яқинларига яхшилик ва омад олиб келади, деб ўйлашган. Ана шу афсона сабаб ушбу байрамда хитойликлар бир-бирларига нефритдан ясалган қуён совға қилиши ҳам одат тусига киради.

### ХУФЁНА МАКТУБ

Тунги ой байрамининг яна бир энг муҳим ва ажойиб жиҳатларидан бири бўлган ой кулчасини истеъмол қилиш маросимидир. Ўша куни ушбу маросим учун атайлаб гуруч ёки буғдой унидан кунжут қўшиб ёпилган кулчалар дўконларда қалашиб кетади. Кулчаларнинг (ҳар бирининг диаметри 30 см. бўлади) ичига турли сабзавот ва мевалар қўшилиб, устида миллий рамз ҳамда ой тимсоли бўлмиш Чанъэ ва қуён тасвири туширилади. Ой кулчалари мамлакатнинг нафақат байрам белгиси, балки бирдамлик рамзи ҳам ҳисобланади. Халқ оғзаки ривоятларида баён этилишича, мана шу маросим сабаб хитойликлар мўғулларни ер тишлатган экан. Хитойни бир муддат бошқарган мўғуллар маҳаллий халқ исёнининг олдини олиш мақсадида ўз айғоқчиларини барча қишлоқларга юборишади. Куз ойида нишонланадиган байрам муносабати билан ҳамма бир-бирига нон улашади. Маҳаллий аҳоли ана шу нон ичига қўйилган қоғоз орқали исён куни ва вақтини билиб олишган экан. Улар ана шу бирдамлик нони туфайли мўғулларни мамлакатдан қувиб чиқаришга эришишади. Бу афсона ҳеч бир тарихий битикларда қайд этилмаган. Лекин шундай бўлса ҳам халқ уни бирдамлик рамзи дея эъзозлаб келади.



Ҳатто, бугунги кунда ҳам хитойликлар ўз яқинлари, қондошлари ва ҳамкасбларига ой кулчасини улашиб туришади. Ҳозир ҳам бундай кулчалар хитойликларнинг энг севимли таоми ҳисобланади. Бундан бир неча йил аввал Хитойнинг Ляонин воҳасида дунёдаги энг катта кулча ёпилган. Ўшанда қалинлиги 20 см., диаметри 8,15 метр бўлганноннинг вазни 13 тоннани ташкил этган. 1 тонна ун ва 12 тонна сабзавотдан 10 соат давомида тайёрланган нон 10 хил таъмни берган. Яъни, бу нон Хитойнинг ўнта ҳудудига хос анъаналари ва қадриятларига асосланган ҳолда пиширилган. Айтишларича, бу йил ҳам мамлакат бўйлаб ўтказиладиган ой байрамида 200 минг тонна ой кулчаси ёпилар экан.

**Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА,**
**«Milliy tiklanish» мухбири**

МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

## “МУЛОҚОТ”

**Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида рассом Содиқ Раҳмоновнинг “Мулоқот” номли шахсий кўргазмаси очилди.**

Фонд Форум, “IJOD” рассомлар, санъатшунослар ва халқ усталари уюшмаси томонидан ташкил этилган мазкур кўргазмада рассомнинг етмишдан ортиқ асарлари қўйилган. Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Аҳмаров билан дўстлик ва ҳамкорлик ижодкор камолотида муҳим роль ўйнагани шубҳасиз. Аҳмаров унинг қалбида ўрта асрлардаги Шарқ эстетикаси ва анъаналари, тарихга чуқур ҳурмат ва эҳтиром ҳиссини уйғотади. Содиқ Раҳмоновнинг номи дастлаб 90-йилларда, Лондоннинг “Zaman” галереясидаги аукционда тақдимоти бўлиб ўтган “Мусиқачилар” тасвирий учлигидан сўнг санъат оламида танила бошланди. Сўнгги йилларда эса унинг ижоди самарали ривожланиб, янгилик ва ўзгаришлар билан бойиди. Содиқ Раҳмоновнинг навбатдаги графика ва ҳайкалтарошликка доир экспозицияси бунга ёрқин далил бўла олади. Мазкур кўргазмада рассомнинг ўзига хос услубга эга ноёб картиналари ўрин эгаллаган. Унинг ҳар бир ижод маҳсулида мусиқа ва шеъриятга алоҳида эътибор ва меҳр борлиги яққол кўзга ташланади. Айниқса, “Мусиқачилар”, “Лазги”, “Наврўз”, қолаверса, “Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро”, “Беҳзод”, “Навоий ва қизлар” каби буюк шоир ва рассомлар акс эттирилган картиналар алоҳида эътирофга лойиқ. Яна шуни таъкидлаш жоизки, рассом Камолиддин Беҳзод хотирасига бағишлаб ўтказилган махсус экспедиция иштирокчиси ҳамдир. Экспедиция доирасида рассом Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари билан бирга Эрон ва Афғонистонда ҳам бўлиб, ўз таассуротларидан келиб чиққан ҳолда “Шаҳарлар”, “Шоҳи-Зинда”, “Оқ Сарой” каби бир қатор янги асарларни яратди. С.Раҳмоновнинг шахсий кўргазмаси бежизга “Мулоқот” дея номланмаган кўринади. Рассомнинг айтишича, санъатда унинг учун энг муҳим жиҳат — шарқликларга хос хусусият, яъни ташқи олам билан ботиний мулоқотда бўлишдир. Кўргазма шу йилнинг 16 апрелига қадар давом этади.

**Кумри НАДЖИМОВА**

## ЎЗ УЙИМНИ ИЗЛАЙМАН

**Яқинда Садриддин Айний номидаги Бухоро вилоят мусиқали драма театри ўзининг кичкинтой томошабинлари ҳукмига театр репертуаридан ўрин олган энг сара томошалардан лавҳалар, қўғирчоқлар иштирокидаги концерт дастурини ҳавола қилди.**

Томошанинг энг қизиғи “Ўз уйимни излайман” спектаклининг намойиши бўлди. Г.Алиева қаламига мансуб ушбу асарнинг бош қаҳрамони – Чигит адашиб қолиб, ўз уйини излагани, бошидан ўтган саргузаштлари ҳақида ҳикоя қилинади. Спектаклда театрнинг етакчи актёрлари Л.Сувондиқова, Б.Салимов, О.Кенжаева, Н.Раҳматова, З.Шукурова, О.Чудновец, Д.Аминов, Э.Ҳамидов қатнашган.

**Мухтасархон КАРИМОВА**

# КЎЗГУ

АНЪАНА



# ҚАДИМИЙ, МИЛЛИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ ЎЙИН

***Этнографик маълумотлар ва халқ оғзаки ижоди ёдгорликлари қадимдан Марказий Осиё ҳудудида яшовчи халқларнинг турмуш тарзини, меҳнат фаолиятини ва озодлиги учун курашини ўзида акс эттирувчи миллий ўйин турлари мавжуд бўлганлигидан далолат беради. Айниқса, одамларда куч, эпчиллик ва мардликни ривожлантирадиган от билан боғлиқ мусобақалар кенг ёйилган. Шундай ўйинларнинг бири қадимги кўпкари анъанавий мусобақаси мустақиллик шарофати билан замонавийлашиб, қайта тикланмоқда.***

Тўйда ўтказиладиган кўпкарида асрлар давомида шаклланган урф-одатлар кўпроқ сақланиб қолган, шу боисдан унинг жозибаси бошқача бўлади. Ўйин ўтказилишидан аввал кенг қамровли тайёргарлик ишлари амалга оширилади. Одатда тадбирдан ўн кун олдин ўтказиладиган маслаҳатга оқсоқоллар, ошпазлар ва қариндош-уруғлар таклиф этилади. Бу муносабат билан қўй сўйилади. Маслаҳатда тўй ўтказиладиган кун ва тадбирни ўтказиш тартиблари белгиланади. Режалаштирилган тўй шу ҳудудда ўтказиладиган бошқа тадбирлар билан бир пайтга тўғри келмаслиги учун оқсоқоллар бир қарорга келишади. Узоқдан келган меҳмонларни қабул қилиш ва кузатиш тўй эгасининг ўзига тўқ яқин қўшнилари ва қариндошлари зиммасига юкланади. Тўйга нафақат яқин атрофдан, балки узоқ ўлкалардан ҳам меҳмонлар келишади. Ҳамма меҳмонларни, мусобақа қатнашчилари ва уларнинг ишқибозларини жой ва егулик билан таъминлаш зарур. Анъанага кўра тўйга келган бирор бир киши, ҳаттоки байрамга тасодифан келиб қолган киши ҳам сийловсиз ва бошпанасиз қолмаслиги керак. Халқ орасида бу удумни “қўноқ” - қўним, меҳмонга жой бериш деб аталади. Қўноқни таништириш ва меҳмонларни кузатиш энг фахрли ва масъулиятли вазифалардан ҳисобланади.

Маслаҳат куни кўпкарини ўтказувчи раҳбар - “баковулбоши” сайланади. Одатда бу киши обрўли оқсоқоллардан бўлиб, унга икки нафар ёрдамчи тайинланади. Шунингдек, маслаҳатда тўй дастурхонига тортиладиган овқатлар тури ва ҳажми, уларни тайёрлайдиган ошпазлар таркиби белгилаб олинади.

Маслаҳатда ташкилий масалалар ҳал қилингач, улоқ ва совринларни, ўйин иштирокчиларининг отлари учун ем-хашак тайёрлаш борасидаги ишлар амалга оширилади. Кўпкари ўтказиладиган кундан бир кун олдин така ёки бузоқ сўйилади, ундан улоқ тайёрланади. Бу жараённинг ўзига хос махсус қоидалари бор: танланган ҳайвон урғочи бўлмаслиги лозим, така ва бузоқнинг териси, пайлари мустаҳкам бўлиб, зарбаларга ва судрашга чидамлироқ бўлади. Шунингдек, ривоятларга кўра, улоқ урғочи жонивор бўлса, чавандозларнинг ўзлари ёки отлари лат ейишлари мумкин. Жонивор сўйилиб, 15-20 сантиметрлик ўлчамдаги кесик қилинади, жигар, ўпка ва юракдан бошқа ҳамма ичак-чавоқлар олинади. Баъзи жойларда эса барча ички органлар олинади. Тилинган жой мустаҳкам ип ёки махсус теридан тайёрланган ип билан тикилади. Ичаклар тозалаб олингач, туёқлар бўғимгача кесилади. Улоқнинг вазни одатда 60 килограмм атрофида бўлади, агар бузоқ бўлса, вазни 80-100 килограммгача келади. Агар жониворнинг оғирлиги енгил бўлса, унинг ичига туз, маккажўхори ёки арпа дони солинади ва умумий оғирлиги 60-70 килограммга етказилади. Агар улоқ меъёридан оғир чиқса, унинг бўйин қисмидан ортиқча гўшт кесиб олинади. Жониворнинг калласини айиришганда қулоқлари ва бўйнининг бир қисмини қолдиришади. Улоқнинг думини 15-20 сантиметрдан ортиқ қолдиришмайди, чунки чавандозлар дум узун бўлса, уни эгарга айлантириб олишлари мумкин. Ердан улоқни олишни осонлаштириш мақсадида улоқнинг оёғидан кесик қилинади. Рақиб улоқни қўлга киритиб, эгарига бойлаб олмаслиги учун жониворнинг иккинчи оёғидан тилиш ўйин қоидаларига мувофиқ тақиқланади. Улоқнинг ўйиндан бир кун олдин тайёрланишининг яна бир сабаби бор. Сўйилган жониворни совуқ сувга солиб, кейин уни салқин жойда сақлайдилар. Совутилгандан кейин улоқ чидамли ва мустаҳкам бўлади, унда қолган қон ва суюқлик қотиб қолади.

Кўпкари иштирокчиларининг миқдори чекланмаганлиги боис, ўз отига эга бўлган барча чавандозлар ўйинда иштирок этишлари мумкин. От эгаси ўйинда иштирок эта олмаса, у махсус чавандозни ёллаши мумкин. Улар зафар қучсалар совринни баҳам кўрганлар.

Қадимий урф-одат бўйича ўйин иштирокчиларнинг қасамёди билан бошланади. Чавандозлар ғирром ўйнамасликка, ўйин қонун-қоидаларига риоя қилишга, умуман ҳалол бўлишга қасамёд қиладилар. Қасамёд маросимида қатнашмаганлар ўйинга қўйилмайдилар.

Баковулбоши ўйиннинг бошланишида соврин сифатида тикилган мукофотларни эълон қилади. Ўйинга совринни хоҳлаган одам қўйиши мумкин, одатда тўй эгасининг қариндошлари, дўстлари ўзларининг номидан мукофот қўядилар. Уларнинг исмлари ўйин давомида эълон қилиниб борилади.

Кўпкари мусобақасида чавандоз ердан улоқни кўтариб, уни рақибларига олдирмасдан, ўйин майдонини бир марта айланиб, ўлжани баковулбошининг оёғи остига ташлаши керак. Бу шартни бажаришда чавондозга ўйин қатнашчиларининг бир қисми ёрдам бериши мумкин.

Баковулбошининг буйруғи билан чавандозлар оқими жойидан қўзғалади. Илдамроқ чавандоз биринчи бўлиб ердан улоқни кўтаради. Бир зум тўхтаб қолган чавандозни шу заҳоти қолган чавандозлар ўраб олишиб, мухлисларнинг қичқириқлари остида ўлжани тортиб олишга ҳаракат қилишади. Кўпкарида битта одам бир неча юз рақиб билан куч синашади. Кўпкари бошқа ўйинларга нисбатан шахсий жасоратни талаб қилади.

Анъанавий тўй мусобақасида чавандоз улоқни маррага олиб келгач, баковулбоши бу ҳолни “ҳалол” деб, ғолибнинг исмишарифини эълон қилади. Маррага етиб келган чавандоз ўйин қоидаларига риоя қилмаган бўлса, унга соврин берилмайди, ўйин қайтадан бошланади.

Кўпкари қоидаларига риоя қилиш қаттиқ назорат қилинади. Чавандозларнинг томошабинлар томонига от чоптиришларига рухсат берилмайди, томошабинларга эса чавандозларга улоқни олиб бериш тақиқланади. Улоқни олиш учун эгилган чавандозга ҳамла қилишга йўл қўйилмайди. Ўлжани қўлга киритган чавандозни отдан тушириш мумкин эмас, ўлжани орқаваротдан тортиб олиш ҳам мумкин эмас. Қамчи билан ўраб олиш ёки улоқни арқон билан эгарга бойлаб қўйиш ғирромлик ҳисобланади ва ўйинда шу каби усуллардан фойдаланиш тақиқланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мустақиллик даврида аждодларимиздан мерос бўлиб қолган кўпкари тикланиб, мамлакат миқёсида кенг ёйилмоқда. Кўпкари халқаро федерацияси мавжуд бўлиб, унга Ўрта Осиё давлатларининг вакиллари аъзо бўлиб киришган. Мусобақалар халқаро федерация тасдиқлаган қоидалар асосида ўтказилади.

Хулоса қилиб айтганда, халқ анъаналари билан узвий боғлиқ бўлиб шаклланган ва ривожланган кўпкари ҳозирги кунда ўз тараққиётининг янги даврига қадам қўйди.

**Жалолиддин МИРЗАЕВ,**
**тарих фанлари номзоди,**
**ЎзМТДП Сурхондарё вилояти Кенгаши Ижроия қўмитаси бош мутахассиси**

АМАЛИЙ САНЪАТ

# СЎЗАНАГА БИТИЛГАН ОРЗУЛАР



***Жиззах шаҳар Алишер Навоий номли маҳалла хотин-қизларининг кўпчилиги қўлигул чевар тикувчилар саналади. Улар орасида ўқувчи-қизлар ҳам бўлиб дарсдан бўш вақтларида зардўзлик, мунчоқли тақинчоқ, бадиий каштачилик каби халқ ҳунармандчилиги билан машғул бўлиб келадилар. Ёш қизлар тиккан буюмлардаги кўзни қамаштирувчи ипаклар жилоси ва рангларнинг уйғунлиги ҳар қандай инсонни мафтун этиши тайин.***

Тиниб-тинчимас, очиққўнгил Мадина Ўринбоева ҳам ана шундай қўлигул тикувчилардан ҳисобланади. Болаликдан тикиш-бичиш билан машғул бўлган қизалоқнинг мурғак қалбида айниқса, бадиий каштачиликка бўлган қизиқиши тобора ортиб борди. Кейинчалик мактаб қошида ташкил этилган “устоз-шогирд” тўгарагига қатнаб, устози Умида Мустафаевадан халқ ҳунармандчилигининг сир-асрорларини қунт билан ўргана бошлади.

Одатдагидек Мадина машғулотга барвақт келиб тикаётган сўзанасининг тайёр қисмини кўздан кечираркан, ёнига дугоналари Назира ва Фаридаларнинг келиб, уни кузатаётганини ҳам пайқамади. Товланиб турган қуёш, зангори осмон ва етти турдаги камалак ранглари матода ўз аксини топганди. Серғайрат қизлардан Назира Мўминова, Фарида Шерқулова ва Лазиза Ҳакимовалар ҳам тезда ишга киришиб кетдилар. Шушу улар қисқа вақт ичида Буюк Ипак йўли, Жиззах шаҳридаги “Хотира майдони” ва маданий истироҳат боғи тасвирларини юксак маҳорат билан матога нақшлаб, мухлислар эътиборини қозонишди. Тўгарак аъзолари асосан бадиий каштачилик, зардўзлик ва замонавий бисер усулида тўқиш-тикиш ишлари билан шуғулланишмоқда.

Қизлар ҳали ёш. Шунга қарамай, улар янгилик яратиш йўлида тинмай изланишмоқда. Бу галги машғулотда ҳам қизлар нозик бармоқлари билан бўлғуси сўзанага эртанги кун орзуумидларини қўшиб тикаётгандек, гўё.

**Абдулла САИДОВ,**
**Жиззах вилояти**

ЎГИТ

**Истар этсанг отангдан мерос,**
**Боғла отанг илмига ихлос.**

* * *

**Билим мезонида сўзинг ўлчаб ол,**
**Илмсиз гап бари шамолдир, шамол.**

БИЛАСИЗМИ?

Рио-де-Жанейро (Бразилия) шаҳрида навбатдаги рақс карнавали ниҳоясига етди. Бу йилги карнавалда ғолиблардан ташқари 70 мингга яқин томошабин қатнашган. Ҳар бир ғолиб раққос ўз маҳоратини кўрсатиши учун 1 соат вақт берилган.

* * *

Америкалик Келли Гнейтинг 185 килограмм вазнга эга бўлишига қарамай Гиннеснинг рекордлар китобидан жой олди. Узоққа югуриш марафонида у 42 километрлик масофани 9 соату 48 дикиқаю 42 секундда забт этди.

ТУРФА ОЛАМ

## ПОЕЗД-МЕҲМОНХОНА

**ШУ ЙИЛНИНГ ЁЗИДА КОМИ РЕСПУБЛИКАСИ РОССИЯ ҲУДУДИ БЎЙЛАБ ПОЕЗД-МЕҲМОНХОНА ҚАТНОВИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ.**



Маҳаллий амалдорларнинг айтишича, поезд-меҳмонхона йўловчилари нафақат дам олишади, балки йўл-йўлакай ўлканинг гўзал манзаралари, қадимий ёдгорлик ва осори-атиқалари билан танишиш имконига эга бўлишаркан. Айни чоғда лойиҳани амалга ошириш учун учта вагон сотиб олинган. Ҳозирда ушбу вагонларни меҳмонхона услубида безатиш ишлари кетмоқда. Шунингдек, сайёҳлар шимол буғуларини ўз кўзлари билан кўриб, уларга қўшилган араваларда сайр қилишлари ҳам мумкин экан.

## ЭНГ ҚАДИМГИ НАЙЗА

**САРАСОТА (ФЛОРИДА, АҚШ) ЖАНУБИЙ ОКРУГИДАГИ ШЎР СУВЛАР ҚАЪРИДАН ОКЕАНШУНОСЛАР ЎТА ҚАДИМИЙ НАЙЗА ҚОЛДИҚЛАРИНИ ТОПИШДИ.**



Манбада келтирилишича, топилган найза қолдиқларининг узунлиги 30 сантиметр атрофида экан. Олимларнинг тахминига кўра, 10 минг йил аввал найза топилган сувлик ўрнида қадимги манзилгоҳ ёки чиқиндихона бўлган. Эҳтимол, бу ердан яна бошқа тарихий ашёлар ҳам чиқиб қолар деган умидда океаншунослар майямилик археологлар билан ҳамкорликда тадқиқот ишларини давом эттиришмоқда.

## ТИЛЛА СОТУВЧИ АППАРАТ

**ДУНЁДАГИ ЭНГ БИРИНЧИ ТИЛЛА СОТУВЧИ АППАРАТ ТОКИОДА ЎРНАТИЛДИ.**




Space International Ltd компанияси томонидан ўйлаб топилган аппарат орқали истаган киши оғирлиги 1 граммдан 7 граммгача бўлган тилла танга ва қуймаларни сотиб олиши мумкин. Бироқ, бу аппаратлар ҳозирча иккита жойга ўрнатилган. Бири ишланма муаллифи жойлашган идора биносида бўлса, иккинчиси Токио марказидаги “Империал” меҳмонхонасида. Айни чоғда аппарат ичидаги тилла буюмлар орасида оғирлиги 7,2 граммли тилла танга энг қиммати экан. Қизиғи, аппаратдаги буюмлар нархи биржадаги савдо котировкаларига кўра ўзгариб боравераркан.

## СЕШАНБА ОМАДСИЗ КУН

**ТУМАНЛИ АЛЬБИОН АҲЛИ СЕШАНБАНИ ҲАФТАНИНГ ЭНГ ОМАДСИЗ КУНИ ДЕЯ ЭЪТИРОФ ЭТИШДИ.**



Мазкур ўзига хос сўров Лондон иқтисодиёт мактаби томонидан ўтказилган бўлиб, унда мамлакатнинг салкам 20 мингга яқин аҳолиси қатнашган. Кўнгиллилар ҳар куни камида икки марта ички кечинмалари ҳақида ҳисобот беришлари шарт эди. Уларнинг ҳисоботини iphone смартфонидаги махсус ҳисоблагич қайд қилиб борган. Натижада, сўралганларнинг бари энг оғир кун дея душанбани эмас, балки сешанба кунини эътироф этишган. Мутахассисларнинг фикрича, якшанба кунги яхши кайфият одамларни душанба куни ҳам тарк этмайди. Бироқ, сешанба кирди дегунча кўпчилик ишга шўнғиб кетади ва дам олиш кунларигача ҳали анча вақт борлигини ўйлаб ҳафсаласи пир бўлар экан.

**З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади**

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Сурхондарё вилояти Кенгаши Ижроия қўмитаси ЎзМТДП Қизириқ туман Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Олим Эшмуродовга отаси

**ОЛЛОЁР** бобонинг

вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

**“Rixon Education”** МЧЖ ташкилий ҳуқуқий шакли ТХШТ (ОПФ) 1153 дан “Rixon Education” нодавлат таълим муассасаси ТХШТ (ОПФ) 2900 га ўзгартирилаётганини маълум қилади.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

**МУАССИС:** ЎЗБЕКИСТОН “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

**ҲОМИЙ:** «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ** Ахтам ТУРСУНОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Ғолибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Исмат ХУДОЁРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Эркин ЮСУПОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

**Бош муҳаррир:** Жалолиддин САФОЕВ
**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
**ТЕЛЕФОНЛАР:** (8-371) Қабулхона 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими (факс): 234-01-47
Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 323, Адади — 10058
**Саҳифаловчи:** Акбар ШОДИЕВ
**Навбатчи муҳаррир:** Исмат ХУДОЁРОВ
**Навбатчи:** Эргаш ХЎЖАЕВ
**Электрон почта:** e-mail: milliyt@sarkor.uz

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 22.10.

1 2 3 5